



HURRIYAT

1996-yil dekabr dan chiqa boshlagan

MUSTAQIL GAZETA

2 → Сеҳргарнинг неваралари

Бориб қурганлар билади — “Меҳрибонлик уйи” да ҳаёт бошқача. Ота-онасидан айрилган ёки улардан айро яшаётган болалардан тузилган катта “оила” да биз билмайдиган муносабатлар кўзга ташланади.

3 → Интизорлик торта-торта

Биз эшитишни, гапиришни билмаймиз, ammo, атрофимиздаги одамлар меҳрини доим ҳис қилиб яшаймиз. Бизда таклиф эмас, илтимос бор.

5 → Прокурорлар ҳам ҳавас қиладиган ҳукм

Ўғлимнинг боғча опаси менга қоғоз тутқазди: “Болангизни мана бу шифокорлар кўригидан ўтказиб келинг”. Иш, уй-рўзгор ташвишларидан ортиб, боламнинг нутқига унчалик эътибор беролмаганимдан яна бир бор эзилдим.

► Долзарб мавзу

Нарх — эркин, имкониятлар тенг бўлади

Қолипчи нон нархининг кўтарилгани аҳоли ўртасида ва ижтимоий тармоқларда муҳокама қилинган сабаб бўлди

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигидаги нон ва ун маҳсулотлари энг арзон давлат — Ўзбекистон. Қолипчи нон нархи сўнгги бор 2014 йилда оширилган эди. Ўтган тўрт йил давомида нархнинг бир хил ушлаб турилишига барча кўникди. Бозорнинг эса ўз талаблари бор.

Анвар МУСТАФОҚУЛОВ

“Hurriyat” мухбири

Айтилик, ўтган йили фермерлардан галланинг бир тоннаси 550 минг сўмдан харид қилинган. Табиийки, фермер бундан фойда кўрмайди. «Ўздонмахсулот» акциядорлик компанияси тасарруфидаги қорхоналарнинг зарари ҳам тиклаш қийин даражада — 489 миллион сўм! Аммо асосий масала бу зарарда эмас. Шу вақтгача қолипчи нон нархини ушлаб туриш учун ун фақат айрим қорхоналарга рўйхат асосида давлат белгиланган нархларда махсус фонд орқали тарқатилган эди. Ана шу рўйхатга кирмаган қорхоналар эса унни бозор нархида сотиб оларди. Тенгсизликми? Ҳа.

Табиийки, “рўйхатларда йўқ” қорхона ишлаб чиқарган маҳсулотни қимматга тушар ва тез орада касодга учради. Оқибатда давлат белгиланган нархда ун олувчиларнинг табиий монополияси пайдо бўлиб, ноннинг сифатига таъсири ҳам ўтказди. Энг ёмони, унни давлат белгиланган нархда олиб, маҳсулотни «кўча» нархида сотаётган тадбиркорлар ҳам йўқ эмас. Бунда фермер ҳам, ун ишлаб чиқарувчилар ҳам зарар кўриб, айшани “рўйхатдагилар” суради. Нонни арзон сотиши шарт бўлган тадбиркор барибир ўз билганидан қолмайди. Чунки рақобат йўқ.



Сайилга келиб, ишини топди

Мингбулоқ туманида Наманган вилояти адлия бошқармаси ташаббуси билан “Ҳуқуқий ахборот куни” мавзусида оммавий “Адлия сайли” ўтказилди.

Акрамжон САТТОРОВ

ЎЗА мухбири

Тадбирда вилоят ҳуқуқ тартибот идоралари ва юридик хизмат ходимлари, ҳарбий қисмлар, банклар, тадбиркорлик субъектлари, фермер хўжаликлари вакиллари, ёшлар иштирок этди.

“Адлия сайли” мазмун-моҳияти ва мақсадига кўра

уч қисмдан иборат бўлди. Биринчи қисмда ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, уларда мардлик ва жасурлик хислатларини шакллантириш мақсадида ҳарбий техника ва қуроллар намойиши ҳамда кўргазмали чиқишлар ташкил этилди. Унда

Миллий гвардия ҳарбий қисмлари аскарлари, “Ватанпарвар” ташкилоти курсантлари ва бошқа тегишли идоралар вакиллари иштирок этди. Спортчиларнинг кўргазмали чиқишлари, бокс, каратэ, кураш, шахмат-шашка мусобақалари эса катта спорт байрамига айланиб кетди.

Сайилнинг иккинчи қисмида фуқароларга тегишли йўналишлар бўйича ахборот-консултатив ва давлат хизматлари кўрсатилди. Бунда Давлат хизматлари

агентлиги вилоят бошқармаси ва Мингбулоқ тумани давлат хизматлари маркази, ҳуқуқчи муҳофаза қилиш органлари, тижорат банклари, бандлик марказлари, тиббиёт муассасалари мутахассислари ўз йўналиши бўйича мурожаатчиларга хизмат кўрсатди.

Шу ёрнинг ўзиде марказ томонидан йигирмадан ортиқ хизмат расмийлаштирилди. Вилоят бандлик бош бошқармаси томонидан меҳнат ярмаркаси ташкил этилди.

КЕЙИНГИ СОНЛАРДА:

Маҳаллада дув-дув гап

Бу ишларнинг ҳаммаси бир ярим ой ичида юз берди.

Амир Темурнинг франциялик невараси

Самарқанддаги француз тилига ихтисослашган 43-умумтаълим мактаби франциялик профессор Люсьен Керен номи билан аталадиган бўлди.

Отасини йиғлатган ўғил

Ўғлимнинг профилига кириб, кўнгилни ларзага соладиган бир ҳолга дуч келдим...

Велосипедда футболга келган муҳожир

Унинг отаси магазинда ҳаммол бўлиб ишларди.

► Тадбир

Муҳим масалалар муҳокамаси

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Олий Мажлис ҳузуридаги жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссиясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.

Гўзал МАЛИКОВА

“Hurriyat” мухбири

Унда Ҳаракатлар стратегияси, “Фаол тадбиркорлик, инновацион гоёлар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили” Давлат дастури ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 4 майдаги “Мамлакатни демократик янгилаш жараёнида фуқаролик жамияти институтларининг ролини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”-ги фармонида белгиланган вазифалар ижроси ҳақида сўз юритилди.

Бугунги кунда мамлакатимизда 9 400 дан ортиқ нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолият юритмоқда ва уларнинг самарадорлигини оширишга қаратилган 200 дан ортиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинган. Мазкур ташкилотларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш учун зарур институционал база яратилган. Давлатимиз раҳбарининг “Мамлакатни демократик янгилаш жараёнида фуқаролик жамияти институтларининг ролини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”-

ги фармони ННТлар ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари фаолиятини давлат томонидан қўллаб-қувватлашда, жамиятда ижтимоий шерикликнинг самарадорлигини оширишда муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилаётир. Фармон ижроси бўйича давлат вакиллик органларида фуқаролик жамияти институтларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ҳамда ривожлантиришнинг яхлит тизими шаклланиши бу борадаги мавжуд муаммо ва камчиликларни ҳал этишда муҳим омил бўлаётир.

Жумладан, ўтган даврда Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳузурида Фуқаролик жамиятини ривожлантириш бўйича маслаҳат кенгаши тузилди, Қорақалпоғистон Республикаси Жўрғи Кенгеси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар кенгашлари ҳузурида ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фондлари ташкил этилди.



► Нуқтаи назар

Мамлакат имижи: дадиллик ва изчиллик замони

“Қароқчилар макони”ни икки йилда жаннатмонанд мамлакатга айлантира олган имижемейкер

Беруний АЛИМОВ

филология фанлари бўйича фалсафа доктори.

ТАЪСИР ЎТКАЗИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ

Франциялик олим Б.Паскалнинг фикрича, “имиж — таъсир ўтказиш технологияси”. Одамларга таъсир ўтказишнинг икки усули мавжуд: биринчиси — ишонтириш, иккинчиси — ёқуш, яъни, маъқул бўлиш. Мазкур назарияни бевосита давлатлар имижини шакллантириш мақсадларига ҳам татбиқ этиш мумкин. Имижни сақлаш ва муттасил яхшилашга тараққий этган қудратли мамлакатнинг ҳам эҳтиёжи бўлади. Ривожланиш йўлидан одимлаётган мустақил давлатлар учун бу вазифа янада зарурроқ муҳимроқдир. “Имиж” атамаси лотинча — image сўзидан

олинган. Сиймо, тимсол, қиёфа, образ маъноларини англатади. Бироқ, ушбу синоним сўзлар гуруҳи “имиж” моҳиятини муфассал ифода қила олмайди. Бу атама жозибали, мафтункорлик, эътибор, нуфуз сингари тушунчалар билан ҳам ҳамма ҳамдир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги фармонида назарда тутилган мамлакатимизнинг халқаро нуфузини мустаҳкамлаш, жаҳон медиа маконини республикамиз ҳақидаги ҳолис маълумотлар билан таъминлашга

эътибор қаратилганлиги соҳа экспертлари, тегишли ташкилотлар, оммавий ахборот воситалари олдига муҳим вазифалар қўяди. Бу борада ечимини кутаётган масалаларни ҳал этишда хорижий мамлакатларнинг илғор тажрибасидан фойдаланиш, мавжуд ички имкониятларни бирлаштириш муҳим аҳамият касб этади.

Аслида жаҳон медиа макониде мамлакатнинг ижобий имижини шакллантириш фаолияти ҳам ички, ҳам ташқи сийсатдаги энг муҳим, энг долзарб масалалардан. Айниқса, ҳозирги ахборот глобаллашуви асрида тобора кучайиб бораётган рақобат шароитида мамлакат имижи стратегик капитал вазифасини ўтаётгани сир эмас.

► Уюшма фаолиятдан



Шолазиз Шохидов фотоси

Эътибор — юксак рағбат

Жобир ХУЖАҚУЛОВ

Ҳар қандай инсон учун гоҳида моддий бойликдан кўра, атрофдаги одамлар, маҳалланинг эътибори муҳим. Айниқса, нафақадаги меҳнат фахрийларини йўқлаб борганингизда уларнинг юз-кўзидан буни яққол ўқиш мумкин. Ана шундай хайрли тадбирлар Ўзбекистон Журналистлари уюшмаси томонидан изчил йўлга қўйилгани соҳада узоқ йиллар фаолият олиб борган ОАВ вакилларининг

самимий эътирофига сазовор бўлмоқда. Жумладан бутун умрини юртимиз оммавий ахборот воситалари ривожига бағишлаган, кўплаб шогирлар етиштирган фахрий журналистларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси ва унинг жойлардаги бўлимлари фаолиятининг асосий йўналишига айланаётгани диққатга моликдир.



Аҳоли ишончи — ЭНГ МУҲИМ ОМИЛ

Халқ билан мулоқот

Навий вилоти Кармана туманида Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши, Олий суди ва Бош прокуратура масъулари иштирокида Навоий шаҳри, Кармана, Қизилтепа ва Навбахор туманлари аҳолиси билан очиқ мулоқот ҳамда сайёр қабул ўтказилди.

Нуриддин РАХИМОВ

ЎЗА мухбири

Мамлакатимиз суд-хуқуқ тизимида очиқлик ва шаффофликни таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг жорий йил 13 июлда эълон қилинган "Суд-хуқуқ тизimini янада такомиллаштириш ва суд ҳокимияти органларига ишончини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони муҳим асос бўлиб хизмат қилмоқда. Айниқса, судларнинг фақат жазолаш тизимидан ўзаро яраштириш, адолатни тиклаш, афе этиш каби босқичга ўтиши аҳолининг давлатга ишончини мустаҳкамлаш, айбланувчига яна бир бор имкон бериш ва уни тўғри йўлга солишда самарали омил бўлаётганлиги.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси ўринбосари Б.Исаков шу хусусда тўхталиб, миллий қонунчилигимизга медиа-журналистлар билан мулоқот қилишнинг ҳақиқатан ҳам муҳим асос бўлиб хизмат қилмоқда. Айниқса, судларнинг фақат жазолаш тизимидан ўзаро яраштириш, адолатни тиклаш, афе этиш каби босқичга ўтиши аҳолининг давлатга ишончини мустаҳкамлаш, айбланувчига яна бир бор имкон бериш ва уни тўғри йўлга солишда самарали омил бўлаётганлиги.



Сурат: АС.ЮПОВ (X.A.) фототи

Очиқ мулоқот ва сайёр қабулда фуқароларнинг тақлиф-мулоҳазалари, уларни кўндан бери қийнаб келаётган муаммолар, ечимини кутаётган долзарб масалалар ҳамда суд органлари томонидан чиқарилган қарор ва ҳукмлардан норозилиги ҳолатлари ўрганилди. Мавжуд тўртта суд масъуллари ҳар бир мурожаатни тинглаб, уларга қонуний жавоб ва хуқуқий маслаҳат берди.

Хусусан, Навбахор тумани "Юқори Бешрабат" маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи Мадаминжон Бердирасулов ва унинг отаси Туйғун Махмудов томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисига ташаккурнома билдирилди. Гап шундаки, жорий йил 19 май куни Мадаминжон ўз бошқарувидаги "Тико" русумли автомашинасида эҳтиётсизлик оқибатида йўл бўйлаб велосипедда ҳаракатланаётган фуқарони уриб юборди. Оқибатда велосипед ҳайдовчиси энгил тан жароҳати олади. Ҳайдовчига нисбатан жиноят иши очилди. Туман суди томонидан маҳаллада сайёр суд ўтказилиб, жабрланувчи ва айбланувчининг ўзаро ярашувиغا эришилгач, иш ҳаракатдан тўхтатилди. Бу билан бир инсоннинг эҳтиётсизлиги туфайли жиноятчига айлиниб қолиши, фарзандлари келажги ва тақдирига пу-

тур етишининг олди олинди.

Навий шаҳридаги "Ҳосил" боғдорчилик-узумчилик ширкатида ўз дала-ҳовлисида иссиқхона ташкил этиб, оилавий тадбиркорликни йўлга қўйган Гулистон Жуматованинг мурожаати қатор йиллардан буён ечимини топмай келаётгани маълум бўлди. Фуқаронинг сўзларига кўра, иссиқхона эҳтиёжи учун фойдаланилган газ истеъмоли қарздорлик сабаб 2016 йил 16 июнь куни оғохлантиришсиз тармоқдан узилган. Газ идораси маълумотлари асосида 242 минг сўм қарздорлик тўланади. Бироқ маълум муддат ўтгач, хонадон соҳибининг хатти-ҳаракатлариға нисбатан далолатнома тузилиб, иш судга оширилди. Оқибатда истеъмоличи Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 101-моддасига асосан давлатга етказилган 4 миллион 482 минг 285 сўм миқдоридagi моддий зарарни қоплаш мажбуриятини олади. Ўзбекистон Республикаси Олий судига қилинган мурожаат са-

тур етишининг олди олинди. Навий шаҳридаги "Ҳосил" боғдорчилик-узумчилик ширкатида ўз дала-ҳовлисида иссиқхона ташкил этиб, оилавий тадбиркорликни йўлга қўйган Гулистон Жуматованинг мурожаати қатор йиллардан буён ечимини топмай келаётгани маълум бўлди. Фуқаронинг сўзларига кўра, иссиқхона эҳтиёжи учун фойдаланилган газ истеъмоли қарздорлик сабаб 2016 йил 16 июнь куни оғохлантиришсиз тармоқдан узилган. Газ идораси маълумотлари асосида 242 минг сўм қарздорлик тўланади. Бироқ маълум муддат ўтгач, хонадон соҳибининг хатти-ҳаракатлариға нисбатан далолатнома тузилиб, иш судга оширилди. Оқибатда истеъмоличи Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 101-моддасига асосан давлатга етказилган 4 миллион 482 минг 285 сўм миқдоридagi моддий зарарни қоплаш мажбуриятини олади. Ўзбекистон Республикаси Олий судига қилинган мурожаат са-

ОЧИҚ МУЛОҚОТ ВА САЙЁР ҚАБУЛДА ФУҚАРОЛАРНИНГ ТАҚЛИФ-МУЛОҲАЗАЛАРИ, УЛАРНИ КЎНДАН БЕРИ ҚИЙНАБ КЕЛАЁТГАН МУАММОЛАР, ЕЧИМИНИ КУТАЁТГАН ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАР ҲАМДА СУД ОРГАНЛАРИ ТОМОНИДАН ЧИҚАРИЛГАН ҚАРОР ВА ҲУКМЛАРДАН НОРОЗИЛИГИ ҲОЛАТЛАРИ ЎРГАНИЛДИ. МАВЖУД ТЎРТТА СУД МАСЪУЛЛАРИ ҲАР БИР МУРОЖААТНИ ТИНГЛАБ, УЛАРГА ҚОНУНИЙ ЖАВОБ ВА ХУҚУҚИЙ МАСЛАҲАТ БЕРДИ.

баб айблов ва суд қарори бекор қилинади. 4 нафар фарзандни тарбиялаётган вақтинча ишсиз хонадон соҳиблари иссиқхонани тиклаши, газ тармоғига қайтадан улаишда амалий ёрдам сўраб мурожаат қилди. Мутасаддилар тегишли маслаҳат ва кўрсатмалар берди. Аҳоли билан учрашувлар куннинг иккинчи ярмида Хатирчи туманида давом этди. Унда фуқароларнинг муаммолари ўрганилиб, ақсариятига хуқуқий ечим топилди.

Мехр — дунё устуни

Бориб кўрганлар билади — "Меҳрибонлик уйи"да ҳаёт бошқача. Ота-онасидан айрилган ёки улардан айро яшаётган болалардан тузилган катта "оила"да биз билмайдиган муносабатлар кўзга ташланади. Мурғаклигидан ҳаётнинг бешафқат зарбасига дуч келган, шу боисданми, улкан ҳақиқатларни эрта илғаётган болаларнинг кўзига тик қарай олиш учун кишига қанчалик сабот керак...

Термиз шаҳридаги 12-сонли "Меҳрибонлик уйи" директори Дилбар Сувоновага кўнғироқ қилдим. Мақсаду муддаомни айтдим.

Сироҷиддин ИБРОҲИМ

журналист

Сеҳргарнинг неваралари



— Кўчага иш билан чиққандим. Соат бешларда уйда бўламан. Э, ээр, ишхонада бўламан, — деди она. Опанинг "уй" деганича ҳам бор. — Тўғри айтдингиз, аслида биринчи уйингиз ўша ер-ку! "Меҳрибонлик уйи" ташкил этилганига яқинда тўқсон йил бўлади. Салкам бир аср. Бу давр мобайнида у қанчалаб химюга муҳтож болаларни ўз бағрига олган, улғайтириб, мустақил ҳаёт сари йўллаган.

— Ватан ҳақидаги шеърлари жуда ёқди. — Ватан нима ўзи? — Шу... атрофимиздаги ҳамма нарса — Ватан. — Тўғри айтасан, — дедим, — ҳамма нарса — Ватан. Ватан — ҳамма нарсамиз. Ватансиз ҳеч кимиз, ҳеч нарсамиз! Бурчақда қорачадан келган, жусаси нисбатан кичикроқ бола кўлида титилиб кетган китобни ушлаб, ийманибгина турарди. Диёрбек экан. Бу йил мактабга чиқибди. Мактабга чиқмасдан аввал лотин ва крилл алифбосида ўқиш-ёзишни ўрганиб олган. Ҳазиллашгим келди: — Диёрбек, сен ўқиш-ёзишни

лажақда хуқуқшунос бўлмоқчилигини айтди. Шуҳрат фанларни яхши ўзлаштиришдан ташқари, қаратэ билан шуғулланиб, талай мусобақаларда ғалабага эришган. Ўзбекистон чемпиони. "Меҳрибонлик уйи"нинг энг хурматли йигитчаларидан — Сергей. Ун тўрт ёшда. Юриш имкониятидан маҳрум. Лекин "иккинчи директор". "Иккинчи директор" бизни кўриши билан Дилбар опага: — Онажон, мен ҳам мактабга борай, — деди. — Хўп, борасан, — деди она ва менга секин изох берди. — Сергей яқка тартибда таълим олади. Базан мактабга ҳам олиб бориб турармиз. Бир куни ўқитувчиси ёним-

Мазкур масканда болаларни мустақил ҳаётга тайёрлаш учун фанларни чуқур ўзлаштиришдан ташқари, хунар ўрганишига ҳам жиддий этибор қаратилади. Жумладан, "Пазандачилик", "Кулолчилик", "Тикувчилик", "Сартарошлик" каби тўғрақлар фаолияти даврийлик асосида йўлга қўйилган. Тўғарак аъзолари ясаган буюмлардан кўргазма ташкил қилинган. Улардан болалар қалби, тасаввур дунёси ва иқтидор қирраларини илғаб олиш қийин эмас.

Билим олишга иштиёқманд болаларга тарбиячилар кечки пайтада ҳам сабоқ беришади. Тарбиячи Дилноза Сатторова бир хонада атрофига қизларни жам қилиб биологиядан машғулот ўтаётган бўлса, Шерзод Сунонов бир неча болага математикани ўргатиш билан банд. Хамшира навбатчилиқ қилаётган хонага бориб қолдик ва Феруза Бекмуродовани саволга тўтдим: — Болалар кўп касал бўлишади-ми?

— Йўқ... Парвариши яхши. Мабодо нимадир безовта қилса, дарров келиб айтишади. Хар куни кўриқдан ўтказамиз.

Кичик ёшдаги болалар гуруҳига ўтдик. Болакайларнинг "онажон" дея Дилбар опага талпинишганини кўриб, мутаассир бўлдим. Опа болаларнинг ҳар бирини бағрига босиб, айни пайтадаги аҳоли, кайфияти билан қизқиди. Мен ҳам ўспиринларни хушнуд қиладиган гаплардан айтган бўлдим.

Болалардан каттаси — Ҳожиакбар, 4-синфда ўқиркан. Муҳаммад Юсуфнинг эллиқдан ортиқ шеърини ёд айтиб, шоирнинг умр йўлдоши Назира ас-Саломни ҳам қойил қолдирган. Ундан нега айнан Муҳаммад Юсуф шеърларини бунчалик яхши кўришини сўрадим. Ҳожиакбар айтди:

биларкансан, улар эса йўқ. Билган билан билмаган тенг бўлармиди!

— Йўқ, — деди у тортинибгина. — Нега?

— Билмаса ҳам, улар менинг ошналарим-ку...

Диёрбекнинг кўлидаги китобга қарадим: "Уйғур халқ эртақлари".

— Кутубхонада янги китоблар кўп-ку! Нега бунни ўқиясан?

— Бунни менга онам олиб келган...

Тилим гапга айланмай қолди. Ўзимни тўтдим:

— Қайси эртақ сенга кўпроқ ёқди?

— "Нодон вазир".

— Нимаси ёқди?

— Подшоҳ унга ишонади. Вазир подшоҳини алдайди. Қийналиб, саройга арз қилиб келган одамларни подшоҳнинг олдида киритмайди. Ўзи тахтни эгалламоқчи бўлиб, подшоҳни улдиришга ҳаракат қилад...

Бу ердаги болалар, таъкидлаганимиздек, ҳақиқатнинг кўзига жуда эрта тик қараганиданми, кичик файласуфларга айлиниб қолишган. Базилар бир умр англай олмаган ҳақиқатларни мурғаклигидан тушуниб етди.

Дилбар опа токи болаларнинг ёнига келганимизга қадар айтган эди: "Бу болаларнинг ҳар бири — бир асар. Ўтган йили онамдан айрилиб қолдим. Ҳеч чидамламайман донг. Шунда ховуримни босиш учун онаси вафот этган болалар билан гаплашдим. Таскин топдим: "Қирқ саккиз йил онангнинг бағрида бўлдинг, Дилбар! Бу гўдақларнинг кўпи онаси кимлигини, қандай аёл бўлганини ҳам билишмайди. Но-шукр бўлма!".

Кейин Шуҳрат билан танишдик. Хонасига кирганимизда Ўзбекистон Республикасининг Конституциясини ўқиб ўтирдик. Сўрасам, ке-

га келиб, Сергей "беш" баҳо қўйишни талаб қилаётганини, аммо бахарган иши "беш"га тортмаслиги айтиди. Сергейнинг ёнига бориб, ўзини ва бир ўртоғининг дафтариини кўйдим-да: "Ўқитувчилар директорга баҳо қўя олмайди. Ўзингга ўзинг баҳо қўй. Мана бу ўртоғингга ҳам баҳо қўй", дедим. Шунда, биласизми, у нима қилди. Ўртоғига "беш", ўзига эса "уч" қўйди. Кейин билсам, у қанча "беш" олсам, шунча тез катта бўламан, деб ўйларкан. "Катта бўлгач нима қиласан?" десам, "Опамга уй олиб бераман", дейди.

Болалар хонасидан узоқлашарканмиз, ортимиздан бир болакай югуриб чикди ва ялинган оҳанда сўради:

— Дилбар она!.. Яна қачон гаплаштирасиз?

Директор қайсидир кунни айтди. Болакай ортимиздан маънос термулиб қолди. Унинг онаси қамқоқда. Бир кун олдин у билан телефонда гаплаштирган экан.

Сўнг Ўзбекистон халқ рассоми Рўзи Чориев бурчақига яқинлашдик. Рассом ҳам айни шу "Меҳрибонлик уйи"да тарбия топган. Кичкинагина, шаддоқ қизалоқ опани саволга тўтди:

— Онажон, ана у одам сеҳргарми?

Қизалоқ Рўзи Чориевнинг сура-тига ишора қилди. Кулиб юбордим.

— Бу нима деганинг? Бошқа қизалоқ бийрон жавоб қилди:

— Рўзи бобо у ёққа ўтсак ҳам, бу ёққа ўтсак ҳам қараб тураверам...

Рўзи Чориевнинг доншмондона қарашлари-ю, меҳр билан битган асарлари одами сеҳрлаб қўйишини ким инкор эта олади.

Мен бу уйдаги болаларнинг нигоҳини эслаб қолдим. Маънос, ўйчан, умидли!..

Муҳим масалалар муҳокамаси

Маҳаллий давлат вакиликлари органларининг барча бўйидаги Кенгашларида ННТлар ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссияси раиси Акмал Саидов. — Хоразм вилоятида ана шундай уйлардан бири — "Дўстлик ва ННТлар уйи" фойдаланишга топширилди. Мазкур бинога ижтимоий аҳамиятга эга соҳаларда ўз фаолиятини амалга ошираётган йигирмадан ортиқ ННТни ижара тўловининг "ноль" ставкасини қўллаш ҳолда жойлаштирилди. Ҳожиакбар, 4-синфда ўқиркан. Муҳаммад Юсуфнинг эллиқдан ортиқ шеърини ёд айтиб, шоирнинг умр йўлдоши Назира ас-Саломни ҳам қойил қолдирган. Ундан нега айнан Муҳаммад Юсуф шеърларини бунчалик яхши кўришини сўрадим. Ҳожиакбар айтди:

ичида республикамизнинг барча ҳудудларида қад кўтарди. Шу ўринда бугунга қадар ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари фаолиятини тартибга солиш учун ҳужжатлари либераллаштирилганини ҳам айтиб ўтиш жоиз. Амалдаги қонунчилик асосан ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари устав фаолиятини кенг қўламдаги имтиёз ва преференциялар қўлланилаётгани бунинг далилидир.

Илгилда Хоразм вилоятида ижтимоий шериклик ва самардорлигини ошириш, халқ депутатлари кенгашларини доимий равишда ижтимоий шериклик комиссиялари фаолиятини қўллаш учун ҳужжатлари либераллаштирилганини ҳам айтиб ўтиш жоиз. Амалдаги қонунчилик асосан ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари устав фаолиятини кенг қўламдаги имтиёз ва преференциялар қўлланилаётгани бунинг далилидир.


маблағлари ҳисобидан давлат ижтимоий буортмалари бериш механизмнинг самарали усуллари ишлаб чиқилмаган. Парламент комиссияси аъзолари бу борда ҳам ўзларининг қатор тақлифларини беришди. Шунингдек, тадбир доирасида "Танлов ўтказиш ва муваффақиятли ижтимоий аҳамиятга молик фаолиятни амалга ошириш учун нодавлат нотижорат тақлифотларига ҳар йили мукофот бериш тартиби тўғрисида"ги низом лойиҳаси муҳокама қилинди. Кун тартибда белгиланган масалалар юзасидан тедавлат бошқаруви органларининг бюджетдан ташқари

▶ Шарҳ

Бугунги кунда Фарб матбуотида бонг урилайтгандек халқ эмас, балки оломон кўп нарсаларни ҳал қилмоқда. Давлат тўнтаришлари, инқилоблар юз берган мамлакатларда буни кўриб турибмиз.

"Оммавий маданият" замонамизнинг долзарб муаммоларидан бири бўлиб қолмоқда.

Замонавий техника ва технологияларнинг ривожланиши туфайли "оммавий маданият" ҳам кенг тарқалмоқда. Эндиликда одамларнинг айрим гуруҳлари аънавий маданиятга — ахлоқ-одобни, урф-одатларни тан олмай қўйди. Шу кунгача "оммавий маданият", деганда ўзида ахлоқсизликларни жамлаган беҳаёликларни тушунардик. Эндиликда оммавий маданият кирралари иқтисодий, сиёсат ва мафкурада ҳам кўзга ташланмоқда.



Сарвар МАМБЕТОВ фотоси

“Оммавий маданият” — халқ маданияти эмас!

Шарофиддин ТўЛАГАНОВ
шарҳловчи

Табиийки, “оммавий маданият” деган ниҳоб остиде ахлоқий бузуқлик ва зўравонлик, индивидуализм, эгоцентризм гояларини тарқатиш, керак бўлса, унинг ҳисобидан бойлик орттириш, бошқа халқларнинг неча минг йиллик аънава ва қадриятлари, турмуш тарзининг маънавий негизларига беласандлик, уларни кўпоришга қаратилган таҳдидлар одамни ташвишга солмай қўймайди. Маълумки, оломонга бўйсунувчи бу турдаги одамлар бошқалардан фарқ қилади. Психологлар анчадан бери оломон руҳиятини ўрганишга уринади, аммо ҳақон унинг илдирига етиб боришгани.

“Оммавий маданият” бу халқ маданиятининг маълум қисми эмас, балки омма, яъни оломонга мўлжалланган маданиятдир. Тарихдан маълумки, бир гуруҳ одамлар (оломон) томонидан уюштирилган исёнлар турли мोजароларни келтириб чиқарган ҳамда мамлакат ва халқлар тақдирини бутунлай ўзгартириб юборган. Биз бунди 1917 йилги қонли инқилоб, сўнги йилларда кузатилаётган Яқин Шарқ ва Шимолий Африкадаги воқеа-ҳодисалардан кўриб билиб турибмиз. Оломон атрофдагиларнинг гап-сўзларини деярли қабул қилмайди. Чунки у фақат ҳис-ҳаяжонга берилган бўлади. Фақат ўзи танлаган йўл тўғри деб ўйлайди.

Тахлилчиларнинг фикрича, инқирозли дақиқаларда сахнада пайдо бўладиган “оммавий одам” ўзини ҳақиқатда агрессив тутайди. Ўзини ҳар қандай маданиятдан узоқ тутувчи оломон ҳақиқатда хавфлидир.

Хозирги вақтда ахлоқсизликни маданият деб билиш ва аксинча, асл маънавий қадриятларни менсимасдан, эскилик сарқити деб қараш билан боғлиқ ҳолатлар бугунги тараққиётга, инсон ҳаёти, оила муқаддаслиги ва ёшлар тарбиясига катта хавф солмоқда ва кўпчилик бутун жаҳонда бамисоли бало-қазодек тарқалиб бораётган бундай хуружларга қарши курашиш нақадар муҳим эканини англаб олмадик.

“Ахборот асри” деб ном олган хозирги даврда ахборот энергия манбалари табиий бойликлар қаторида стратегик ресурсга айланмоқда. Мутахассислар бир овоздан ахборот тараққиётнинг бош омилига

айланганини қайд қилишмоқда. Бу эса ахборот маконидан ва оммавий ахборот воситаларидан турли кучларнинг сиёсий ва геосиёсий вазифаларни ҳал қилиш учун “куч ишлатиш йўли” билан эмас, балки бошқача йўл билан фойдаланишга имкон бермоқда.

Ахборотнинг жамият ҳаётидаги роли мислсиз даражада ўсишини башорат қилган немис файласуфи Освальд Шпенглер XX аср бошларида “Европа инқирози” асарини ёзганда, бугунги кунда “жаҳоннинг икки ёки уч газеталари провинция газеталарининг фикрини ва уларнинг ёрдамида “халқ иродасини йўналтириб” турибди. Журналистлар кўндан бери қарийб ҳар бир низонинг учинчи томонига айланиб қолди.

Олимлар урушга муносабатнинг ўзгарганини айтишар экан, курулнинг янги тури кашф қилинганини таъкидлашмоқда. Бу курул-ахборотдир. Бундай курул ёрдамида инсоннинг онги ва қалби нишонга олинади. Бу курул ёрдамида онга берилган зарбалар кишини адаштиради, уни ўз манфаатларига зид ҳаракат қилишга ундайди. Шу тариха нафақат миллат турмуш тарзи, балки унинг яхшилик ва ёмонлик, оқ ва қора, савоб ва гуноҳ, рост ва ёлгон ҳақидаги тасаввурлари ҳам ўзгаради.

Бугунги кунда шу нарса аниқ бўлдики, давлат тўнтаришлари, инқилоблар ва ташқаридан бўлган куруллик ҳужумлар оқибатида Яқин Шарқ ва шимолий Африкадаги бир қатор мамлакатлардаги вазият жуда ҳам кескинлашиб кетди ва жуда ҳам кучсиз бўлмиш марказий ҳукумат бошқарувни қўлдан чиқарди. Бунди биз Ироқ, Ливия ва Мисрдаги кўнгилсиз воқеалардан кўриб турибмиз.

Тахлилчиларнинг фикрича, барқарор ҳукумат ағдариб ташланган мамлакатлардаги вазият янада мураккаблашган. Бир сўз билан айтганда, мазкур мамлакатларда бошбошдоқлик юзага келган.

Айрим кузатувчилар вазиятни “бошқариладиган бошбошдоқлик” (“бошқариладиган хаос”) дейишмоқда. Маълумки, “бошқариладиган хаос” гоёси 1970 йилларда ишлаб чиқилган бўлиб, бу гоёга кўра алоҳида танлаб олинган мамлакатларнинг миллий ҳукуматлар эмас, балки халқаро корпорация ва синдикатлар бошқариши керак бўлади. Бу мақсадларга эришиш йўлида табиий ресурсларга бой мамлакатларга турли томонлардан ҳужумлар уюштири-

лади ва бу мамлакат пароканда қилинади ёки кучсизлантирилади. Мазкур мамлакатларда фуқароларнинг ҳукуматга қарши чиқишлари уюштирилиб, фуқаролар уруши келтириб чиқарилади. Натижада ҳукумат нима қилишини билмай қолади. Оқибатда ҳукумат ўзгарган мамлакатларда, кўриб турганимиздек, ижтимоий инқироз, очарчилик, талон-торожлик юз беради. Тўқнашувлардан чарчаган аҳоли эса уй-жойларини ташлаб кетишга мажбур бўлади. Бўлакларга бўлинган ҳудудлар эса маълум кланларнинг курулли гуруҳлари томонидан назорат қилинади.

Мисолларга муржоат қиладиган бўлсак, тахлилчиларнинг фикрича, Ливиядаги вазият кескинлигича қолмоқда. Буларнинг ҳаммаси инқилоб самарасидир, дейишмоқда киноя билан айрим экспертлар. “Биз Каддафий устидан ғалаба қозондик, бироқ мамлакатда олти миллион Каддафий бор”, дейишди ливияликлар. Демак, олти миллион кишининг қўлида курул, ҳукумат фаолияти суст экан, ўзингизни хоҳланг Каддафий, хоҳланг Бин Ладен деб эълон қилишингиз, бош вазирни ҳисба олишингиз мумкин. Айрим тахлилчилар, “шарқ нозик масала” эканини таъкидлашар экан. Ливияда пойтахтдан ташқарида ҳукмронлик қилишга кучи етмаётган номигагина ҳукумат мавжудлигини эълантириб қўйишмоқда. Чунки Муаммар Каддафий ўлимани қарсақлар билан қарши олган ҳалқни боқш ҳукуматнинг бирдан бир вазифаси эканини энди англаб етишди. Ҳукумат эса нафақат халқни боқшга, балки мамлакат ахлоқсизлигини таъминлашга ҳам қурб етмайпти. Муаммар Каддафий даврида 7 литр бензинни атиги бир долларга харид қилган, ўртача 700 доллар пенсия олган ливияликлар бугунги кунда ёқилги топа олмай, ўз вақтида нафақа ололмайд бошларини чангаллаб қолишган. Таълим, ҳатто олий таълим ҳам ливияликлар учун деярли бепул эди. Эндиликда буларнинг ҳаммаси тушга айланди. Диктатурани ағдариб широри билан амалга оширилган демократик ҳаракатлар Ливияни бир неча ўн йил орқага улоқтириб ташлади. Бошқариладиган хаос мафкуралари билан бири Стивен Манн очикчасига ёзганидек, бошқариладиган бошбошдоқлик айрим Фарб давлатлари миллий манфаатларига мос келди.

Хозир урфга кирган “Психологик

уруш” методлари янгилик эмас. Эра-миздан аввалги 6 асрда яшаб ўтган хитойлик саркарда Сунь Цзи психологик урушнинг моҳиятини ўз қўлланмаларида очик-равшан қилиб ифода қилган. “Душманнингиз мамлакатидеги ҳамма яхши нарсани пароканда қилинг”, деб ёзар экан Сунь Цзи “душман раҳбарларининг обрўсини тўқинг ва пайти келганда уларни жамоатчилик олдида изза қилинг”. Шу мақсадда энг қабиҳ ва разил одамлар билан ҳамкорликдан фойдаланинг”, деб маслаҳат беради.

Ҳар қандай ҳукуматнинг ишига барча воситалар билан халал бераётганларнинг разил ва қабиҳ эканлигини ҳомийлар жуда яхши билишди. Лекин асло “сенлар қабиҳ ва разил бўлганингиз учун биздан фойдаланаямиз”, демайди. Ортиқча гапнинг, тўғрироғи, сир очилиб қолишини кимга кераги бор?

Бу дунёда табиатда ҳам, жамиятда ҳам бушлиқ бўлмайди. Қаердадир бўшлиқ пайдо бўлди, ҳеч шубҳасиз, уни албатта кимдир тўлдиршига ҳаракат қилади.

Хозирги кунда ана шундай маънавий бўшлиқни тўлдиршига уринадиган, шунинг ҳисобидан ўзининг ғаразли мақсадларини амалга оширишни ўйлаб юрганлар кўп. Минг афсуски, бу кучларнинг асл қиёфаси, мақсад муддаолари ва имкониятларини тўла ва аниқ-равшан тасаввур қилиш осон эмас. Нега деганда, улар турли ниқоблар, жозибали шор ва гоёлар пардаси ортида иш кўради. Бундай кучларнинг иштиёрида жуда катта моддий, моливият ресурслар ва имкониятлар мавжуд бўлиб, уларнинг пухта ўйланган, узоқ ва давомли ёвуз мақсадларига ҳизмат қилмоқда.

Энг ёмони — бундай хуружларнинг пировард оқибати одамни ўзи туғини ўрган юрти ва халқидан тоқишга, ватанпарварлик туйғуларидан махрум этишга ва ҳамма нарсаларга мақсад бўлган шахсга айлантиришга қаратилганда намён бўлмоқда. Бундай тажовузкорона ҳаракатлар бизлар учун мулкага бегона мафкура ва дунёқарашни аввало беғубор ёшларнинг қалби ва онига сингдиришга қаратилгани билан айниқса хатарилидир. Ҳақиқат ва ҳолиликдан йироқ бўлган, фақат ғаразли сиёсий манфаатларни кўзлайдиган бундай қарашлар ҳеч кимга наф тўлмайди ва ҳеч кимнинг обрўсига обрў қўймайди. (uza.uz).

Нарх — эркин, имкониятлар тенг бўлади



1 — Шундай вазиятда Вазирлар Маҳкамаси 2018 йил 13 сентябрда “Мамлақатимиз аҳолисини ва иқтисодиёт тармоқларини рақобат ва бозор механизмларини жорий этиш асосида дон, ун ва нон билан ишончли таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида” қарор қабул қилди, — дейди Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш Самарқанд вилояти бошқармаси бўлим бошлиғи Абдуғани Саидов. — Ушбу қарорга кўра, қолипчи нон талаб ва таклиф асосида шакллантириладиган эркин бозор нархларда сотилади. Бу эса нон ишлаб чиқарувчилар ўртасида ҳалол рақобатни вужудга келтиради. Энди бозорда кимнинг махсулоти арзон ва сифатли бўлса, ўша харидоригир бўлади. Қарорга асосан 1 килограмм биринчи нав бугдой уни учун улгуржи нарх 1400 сўм миқдорида белгилади. 1 ноябргача бу нархни ҳам эркинлаштириш кўзда тутилган. Эндиликда нон ишлаб чиқарувчилар сонининг ортиши нарх ва сифат кўрсаткичларининг яхшилланишига ҳизмат қилади.

Шунингдек, қарорга кўра, “Уздонмаҳсулот” акциядорлик компанияси корхоналари томонидан спирт ишлаб чиқарувчилар, чорвачилик, паррандачилик, балиқчилик корхоналарига дон, шунингдек, олий навли бугдой унини биржа савдолари орқали сотиш чекловларсиз амалга оширилади. Бу эса, маълум муддатдан сўнг эм, гўшт маҳсулотлари нархи тушишига ҳизмат қилиши шубҳасиз.

Бу жараёнда аҳолининг муайян қатламининг нархлар ўзгаришидан ҳимоя қилиш кўзда тутилганини алоҳида таъкидлаш зарур. Ҳукумат қарорига асосан, 2018 йил 1 октябрдан бошлаб:

Ёшга доир, ноғиронлик бўйича нафақа, боқувчисини йўқотганлик пенсияси ва нафақаси (ҳар бир боқиманда), болалигидан ноғирон бўлган 16 ёшдан катта шахсларга нафақа, ноғирон бўлган 16 ёшгача болаларга нафақа, шунингдек, ёшга доир пенсиянинг

белгиланган миқдоридан кам пенсия ва нафақа бўйича ҳар бир нафақа олувчига;

Бола икки ёшга тўлгунча қадар уни парвариш қилиш бўйича нафақа олувчи ҳар бир оила, ўзини ўзи бошқариш органлари орқали моддий ёрдам олувчи кам таъминланган оиллага ун ва қолипчи нон харид қилиш бўйича кўшимча харажатларни қоплаш учун энг кам ойлик иш ҳақининг 10 фоизи миқдориде ҳар ойлик пул компенсацияси тўламини жорий этилмоқда.

Самарқанд шаҳрида давлат белгиланган нархларда ун олувчи 84 корхона бор эди. Аммо уларнинг ҳаммаси ҳам арзон ундан қолипчи нон тайёрлашга маълум қилинганда, устига ўз баҳосини қўйиб, яна ун ҳолида сотиб юбораётганлари ҳам йўқ эмас.

— Узоқ йиллардан бери аҳоли дастурхонига 30 турдан зиёд нон ва нон маҳсулотлари етказиб бераётган, — дейди Самарқанд шаҳридаги «Миёқол нон» масъулияти чекланган жамияти раҳбари Наимжон Бахриев. — Ҳар бирининг куввати кунига 30 минг дона қолипчи нон ишлаб чиқаришга мўлжалланган замонавий иккита цехимиз бор. Ўз вақтида тўлиқ кувват билан ҳам ишладик, 30-40 минг дона маҳсулот чиқардик. Аммо узоқ вақт бунча маҳсулот ишлаб чиқариш бизга зарар келтирарди. Чунки, давлат нархиде оладиган унимиз миқдори бунча маҳсулотга етмайди. Бозор нархида ун олиб ишлаб чиқарган нонимиз таннархи эса имтиёзли ун оладиганларникидан ошиб кетса, зарар кўришимиз мумкин.

Манва, энди нарх сиёсати ўзгарди, ҳамма нарсани бозор ҳал қилади. Бунинг муҳим томони шундаки, ўзимизга берилган лимит тугаса ҳам, ишлаб чиқаришни тўхтамаймиз. Энди қўшимча ун олиб, бемалол ишлашга беришимиз мумкин. Чунки ун нархи эркин, имкониятлар эса тенг бўлади.

Ишлаб чиқарувчиларнинг фикри шундай. Улар учун эркинлик — бозор қоидалари, талаб ва таклиф. Шунга қараб, улар сифатни ҳам, нархни ҳам ушлай олади.

▶ Мактуб

Мардона ЗОКИРОВА

Республика ёш ижодкорлар кенгаши аъзоси

Муҳташам бино ҳар доимгидек гавжум. Саҳнадаги ёзувлар ва куч-ғайратга тўла ёшларнинг кўплигига қараганда, бугун навбатдаги “Ҳоким ва ёшлар” учрашуви. Ўқувчи ёшлар, ўқитувчилар, масъуллар иштирокида ўтказиладиган бу тadbирга кўпчилик қуруқ келмагани тайин. Бу гал ҳам кимдир рағбатлантирилса, кимдир огоҳлантирилади. Кимнингдир таклифи, бошқанинг шикояти яна қайсидир иштирокчининг исхори дили тadbирнинг ахамиятини ошириши тайин.

Интизорлик торта-торта

Тошкент вилоятининг Бекобод шаҳрида ўтказилган “Ҳоким ва ёшлар” учрашуви бу сафар Мард ўғлон давлат мукофотига сазавор бўлган йигитларни муборакбод этиш билан бошланди. Иқтидорли ёшларга Тошкент вилояти ҳокимининг эсдалик совғалари топширилди. Яратилган ва яратилаётган имкониятлар, тadbиркор ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга оид режалар ёшлар билан очик ва сами-

рий суҳбатнинг асосини ташкил этди. Иштирокчиларнинг фаоллиги берилган савол ва таклифлар кўплигидан ҳам кўриниб турарди.

Ангрен шаҳридаги 27-умумий ўрта таълим мактабининг 11-синф ўқувчиси Отабек Бакировнинг таклифи ижодкор ёшларни жуда қувонтирди. “Машҳур адиблар назаридан ўтган ёш қаламқашларнинг ижодидан намуналар жамлашиб, китоб ҳолида нашр

этилса ва ўша тўплам шаҳримизда бунёд этила-жақ кутубxonанинг жавонидан жой олса, жуда хурсанд бўлар эдик”, деди у. Таклиф қарсақлар билан қўллаб-қувватланди.

Йигиланларнинг кўзларини намлаган таклиф эгаси — Олмалик шаҳридаги махсус интернет мактабининг ўқувчилари бўлди: “Биз эшитишни, гапиришни билмаймиз, аммо, атрофимиздаги одамлар мехрини доим ҳис қилиб яшаймиз.

Бизда таклиф эмас, илтимос бор. Агар иложи бўлса, “Болажон” телеканалда, ҳеч бўлмаганда, чорак соат биз каби ёшлар учун “зангири экран”нинг бир чеккасида мултфильм ёки шунга ўхшаш қизиқarli кўрсатувлар “ишора тили”да намойиш этилса, бошимиз осмонга етарди!”

Вилоятимиз ҳокими Фуломжон Ибрагимов масалани ижобий ҳал қилишга ваъда берган бу таклиф, республикамиздаги қанча-

дан-қанча ёшларнинг яна бир орузи ушалиши учун йўл очиб беришига ишончимиз комил. Аслида бундай таклиф ва илтимосларга эътиборсиз қараш инсофдан эмас. Ўйлаймизки, Ўзбекистон телерадиокomпанис раҳбарлари айни илтимосни ерда қолдирмайди ва телетўхфани интизор кутаётган тенгдошларимизнинг таклифи тез орада телестурлардан жой олади.

Тошкент вилояти

«ХАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИ: ТАРАҚҚИЁТ ВА ДЕМОКРАТИЯ ПЎЙДЕВОРИ» ТАНЛОВИГА

1 ХАРКАТГА БАРАКАТ

Кейинги икки йилда мамлакатимизда савдо-иқтисодий эркинлик, сармоявий имкониятлар мисли кўрилмаган даражада кенгайтирилди. Хориждаги сиёсий ва бизнес доиралар, инвесторлар ҳамда сайёҳларнинг юртимизга қизиқиши кучайди. Чет элларда фаолият олиб бораётган дипломатик миссияларимиз ўзаро фойдали ҳамкорликни ривожлантириш борасида салмоқли ишларни йўлга қўймоқда.

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университети ташкил этилиши соҳа учун замонавий мутахассислар тайёрлаш борасида муҳим аҳамият касб этади. Ушбу университетда мамлакатимиз нуфузли жаҳон медиа маконида янада оширишга ҳисса қўладиган, бир нечта хорижий тилларни ўзлаштирган, ахборот технологияларидан самарали фойдалана оладиган кадрлар тайёрланади. Университет магистрлари учун "Халқаро ахборот маконида Ўзбекистон иможи" мавзусидаги янги фаннинг жорий этилгани ҳам айнан шу мақсадга йўналтирилган.

Жорий йилнинг август ойида ахборот майдонига шиддат билан кириб келган "Тигон24" ахборот агентлиги нафақат республикамиз ва минтақамизда, балки бутун жаҳон ахборот майдонига Ўзбекистон сегментини фаоллаштиришдек ўта муҳим ва долзарб миссияни бошлаб юборди. Энг муҳими, мазкур агентлик дунёнинг исталган нуктасидаги оддий ўқувчида то етакчи янгиликларнинг талаб ва қизиқишларига жавоб бера оладиган кўп форматли материаллар, мультимедийа контентлар яратишга бел боғлаган. Материаллар хозирча уч тилда — ўзбек, рус ва инглиз тилларида узатила бошланди.

Яқин келажақда агентлик муҳбирлари Марказий Осиёнинг барча мамлакатларида, шунингдек, Афғонистон ва Россияда фаолият юритади. Бугунги кунда эса 14 муҳбирлик пункти бутун Ўзбекистонни қамраб олишга улгурмоқда. "Тигон24" журналистиканинг мутоза қоидалари ва устувор қадриятлари, хусусан — мустақиллик, ҳолислик, аниқлик ва теозорлик каби тамойилларига таянган ҳолда иш юритишга астойдил киришди. Айни пайтда агентлик икки юздан зиёд ходими билан Ўзбекистон ва бутун жаҳоннинг энг муҳим хабарларини ўз вақтида ва сифатли ёриштиришга ҳаракат қилмоқда.

Хориж журналистларининг Ўзбекистонга эътибори ортиб, жаҳоннинг етакчи медиа тармоқларида Ўзбекистоннинг сармоявий ва туристик салоҳиятига бағишланган дастурлар қўйла бошлагани ҳам бу борадаги муҳим ўзгаришлардандир.

Чунинчи, ВВС телеканаллари яқинда узатиладиган тарихий ҳужжатли фильмни британиялик журналист шундай сўзлар билан яқунлади: "Бугун биз қардас ва қачон бўлишимиздан қатъий назар, қаҳва ёки чай устида хоҳлаган кишиниз билан интернетда эркин мулоқот қилганимизда ёки веб саҳифаларни кузатаётганда, ёки чегараланмаган ҳажмдаги ахборотларни сақламоқчи бўлганимизда, барча янги хай-тек технологияларини ривожиди ҳамда из қолдирган Марказий Осиёнинг бизга даярлик нотаниш маконида яшаётган ал-Хоразмий исми алломаининг қасдиқлари мужассамлигини унутмаслигимиз ва ҳаммиса ундан миннатдор бўлишимиз керак!"

Россиянинг "Sputnik" янгиликлар агентлиги муҳбири эса шундай ёзади: "Мирзо Улугбек расадхонасидаги 40 метрлик устурлобда Кўш, Ой ва бошқа сайёрларнинг самодаги ҳаракатлари кузатиладиган, ўлчанган, уларга таъриф берилган. Дунёда ҳозиргача бу иншоот би-

лан тенглаша оладиган илмий марказ йўқ. 1437 йилда Улугбек расадхонасида юлдузлар жаъвали тузилган. Унда 1018 юлдузнинг тўлиқ таъсифи берилган. Шу билан бирга, юлдузли йилнинг узунлиги: 365 кун, 6 соат, 10 дақиқа, 8 сония эканлиги аниқланган. Бундан ташқари, Ернинг ўқи 23,52 даражалиги максимал аниқлик билан ўлчанган".

Жаҳондаги етакчи бизнес журналисти — "Forbes" муҳбири: "Абу Райхон Беруний фанда биринчи бўлиб ёруғлик тазлиги ҳақида мулоҳаза юритган алломадир. У 973 йилда бугунги Ўзбекистон ҳудудига таваллуд топган. Беруний геология,

фор давлатларда амалга оширилган ва оширилаётган ишлар натижаси шунинг кўрсатидаки, жаҳон майдонига мамлакат нуфузини ошириш ишлари давлат ва нодавлат секторнинг ҳамкорлигида молиявий кўмағига таянади. Ушбу мамлакатлар вазирликлари ва муассасалари бюджетидида жозибдор имижни шакллантиришга сарфланган маблағлар миқдори алоҳида кўрсатилади. Маблағлардан уйғун ва самарали фойдаланади. Ташқи сиёсат билан боғлиқ ташаббусларни қўллаб-қувватлайди ва миллий маффаатларни ҳимоялайди, энг муҳими — мамлакатнинг ташқи жозибдор имижини шакл-

ланган оригинал чиқишлар, улардан иқтибос келтирилган бошқа ахборотлар ҳамми нисбатан кам. Афсуслик, халқро мавзуга иқтисодлашган сиёсий шарҳловчиларимизнинг (одатда кечикиб эълон қилинадиган) фикрлари бошқа давлатлар жамоатчилигига тўла етиб бормайди.

Фақат ички медиа маконимиз қобиғи доирасида қолиб кетаётган шарҳловчиларнинг суст ҳаракатлари сабаб, Ўзбекистон имижини шакллантириш ишлари асосан давлат органлари — вазирлик ва идоралар, айрим ахборот агентликлари ва наشرлар зиммасида қолиб кетаётир.

каби мамлакатларда экспертлар ҳамжамияти имкониятларидан мунтазам фойдаланиб келинмоқда. Масалан, АҚШда қарийб 2000 анал шундай йирик "ақил марказлари" борки, уларнинг ҳар бири мамлакат ичида ва ташқарисида ўз бўлимига эга. Дарҳақиқат, Американинг тахлили муассасалари ўзларини сиёсий жараённинг "муқтақил" эълчилари деб таърифлашса-да, аслида, улар АҚШ маффаатларига оғишмасдан хизмат қиладилар. Мамлакатининг ахборий рақибларига қарши муросасиз кураш олиб боради.

мини ўзаро солиштирсак, ўртадаги фарқ, ҳозирча, уч баробардан ошадилар. Салбий материалларда асосан авторитаризм, инсон ҳуқуқларининг бузилиши ҳолатлари, ўзгача фикрловчиларни куч ишлаштириш йўли билан йўлдан олиб ташлашга уринишлар бўлаётгани билан боғлиқ даъволар кўп учрайди, айни чиқишлар мустақил давлатимиз эришаётган бугунги ютуқларга асло тўғри келмайди ва бундай асосиз хуружларга бутунлай бераҳм бериш пайти келди.

Тўғри тарғиботнинг қудрати

Қайд этилган муаммоларни инобатга олган ҳолда, айрим чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ бўлар эди. Жумладан, минтақавий (Марказий Осиё, МДХ, ШХТ) ва глобал ахборот маконидидаги оммавий ахборот воситалари билан тенг рақобатга кириша оладиган йирик миллий медиа-холдинглар ташкил этиши. Хорижий тақриба шунинг кўрсатидаки, дунё ахборот бозорига замонавий технологиялар, мустақам иқтисодий асос ва кучли кадрлар салоҳиятига эга салмоқли ахборот марказлари билан чиқиш кўзланган самарани беради. Бунда АҚШнинг (ЮСИА) ахборот агентлигидан ибрат олиш мумкин. У Давлат департаментининг таркибий қисми ҳисобланади. ЮСИА ижро ҳоқими ятининг "иқтинчи эшелон"да биринчилардан бўлиб ўз ўрнини топди. Тарихдан маълумки, сиёсий қарорларни тайёрлаш, асосал ва шакллантиришда ушбу агентликнинг роли жуда катта бўлган ва ҳатто айрим ҳолатларда мамлакат Президенти даражасида қабул қилинадиган қарорларга ҳам ўз таъсирини ўтказган.

ЮСИА "Америка овози", "Озодлик радиоси (Озод Европа)", "Озод Осиё Радиоси" каби телерадио корпорациялар ҳамда Марти радио ва телевидениесига раҳбарлик қиладилар. Агентлик штатидида 5 мингдан зиёд мутахассис бор. Жаҳоннинг 143 мамлакатидида ўзининг икки юздан ортқ бўлимига эга. ЮСИАнинг сунъий йўлдош телеканалли эллиқдан зиёд мамлакат қабул қиладилар.

Хорижий давлатлардаги етакчи оммавий ахборот воситаларининг ақцияларини, улушларини сотиб олиш ва улар билан тенг муносабатларга киришиш воситасидида жаҳон медиа бозори (макони)га тўғридан-тўғри чиқиш. Ушбу усулдан Россия, Хитой ва бошқа қатор давлатларга самарали фойдаланиб келишмоқда. Хусусан, Пекин чет эл оммавий ахборот воситалари ақцияларини харид қилиб, ахборот бозорига тезорқ чиқишга интилмоқда. 2008 йилда ХХРнинг "Anhui Daily Press Group" медиа гуруҳи Жанубий Африкадаги "Mallard South Africa Media Group" билан ҳамкорлиқда "Xin'an Media Co., Ltd." компаниясини тузди. У асосан Хитой ҳаёти ва маданиятининг тарғиб қилиш билан шуғулланади...

Масаланинг ибтидоисига қарасангиз, қизиқ воқеаларга дуч келасиз. Реклама ишида имижга мурожаат 1963 йилга бориб тақалади ва у Пуэрто Рикоде қоқоқ ва мўъжаз давлатни тўғри тарғиб қила олган Дэвид Огилви номи билан боғлиқ. Огилви хорижиқлар назаридида "нотинч", "вахимали", "қароқчилар макони" деб "донг тараган" Пуэрто Рико имижини бор-йўғи икки-уч йил ичида "тинч осуда", "жаннатмонанд", "ривожланган мамлакат"га ўзгартира олган. Натижидида жаҳоннинг манаман деган пулдорларимиз Пуэрто Рикога оқиб кела бошлаган.

Ушбу мақола Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги нодавлат-нотихорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди томонидан давлат субсидияси ақритилган "Харакатлар стратегияси — юксалиш стратегияси" номли лойиҳа асосидида чоп этилмоқда. (С/11)



Мамлакат имижини: дадиллик ва изчиллик замони

социология, иқтисодиёт, астрономия, физика, тиббиёт ва геометрия йўналишларида кенг илмий излашлар олиб борган. Буюк мутафаккир илгари сурган назариялар ва ғоялар Гарбада 600 йилдан кейин тан олинган ва ҳозирги кунда ҳам ундан бутун дунё ақли кенг фойдаланади".

ИЗЧИЛ ВА МУТТАСИЛ

Одатда мамлакат имижини билан давлат ташкилотлари шуғулланади. Бироқ, уларнинг аксарияти ташқаридаги фаолияти давомида ўзини нодавлат ташкилот сифатида таништиришни маълум қиладилар.

Глобал ахборот ҳамжамияти шаклланиб, молиявий, сармоявий ҳамда табиий ресурсларга кўпроқ эғалик қилишга уринувчи турли рақобатчи кучлар фаоллашаётган даврда мамлакатнинг жозибдор имижини яратиш рақобатбардошлигини таъминловчи энг муҳим воситалардан бирига айланмоқда.

Замондошимиз, британиялик эксперт Саймон Анхольт 1996 йилда миллий бренд концепциясини ишлаб чиққан. У бугунги кунга қадар эллиқдан зиёд давлат ва ҳукумат, шаҳарлар раҳбарлари билан бевоқифа ҳамкорлик қилган. С.Анхольт, шунингдек, 2002 йилда илк бор "ҳудуд брендинги" атамасини ишлашган. У миллий брендининг ташкил этишининг 80 фоизини ҳукумат томонидан бажариладиган ишлар билан боғлиқ, дейди.

Халқаро тақриба, хусусан, ил-

лантириш ва юксалтириш масалари билан изчил ва муттасил шуғулланади.

Бундай муҳим вазифани, масалан, АҚШда — Давлат департаменти, Халқаро ривожлантириш агентлиги (ЮСАИД) ва шу каби бошқа қатор "нодавлат" ташкилотлар; Германияда — Гёте институти, "Немис тўлиқини" телерадиокомпанияси; Россияда — "Росструдничество" федерал агентлиги, "Русский мир" жамғармаси, А.Горчаков номидидаги жамоатчилик дипломатиясини қўллаб-қувватлаш жамғармаси ва бошқалар;

Хитойда — Хитой халқ хорижий мамлакатлар билан дўстлик асоцияцияси, Пекин радиоси, Хитой марказий телевидениеси (CCTV); Жанубий Кореяда — Миллий брендинг бўйича Президент кенгаши (Presidential Council on Nation Branding), Корея халқаро ҳамкорлик агентлиги (KOICA) ва Корея телерадио тизими (KBS);

САЁЛИҚДАН — ДАДИЛЛИКА

Хориж тақрибисига кўра, экспертлар ва тадқиқотчилар халқаро медиа маконини ижобий ахборотлар билан бойитиш билан боғлиқ давлат бююртмаларини профессионал даражада бажаришлари мумкин. Аммо ахборот майдонини бир марталик ёки тор доирадаги тахлили материаллар билан тўлдирини қутилган натижадан берамаслиги аён. Хорижий оммавий ахборот воситаларида ҳозир ўзбекистонлик экспертлар томонидан тай-

Хорижий мамлакатлардаги эллиқонларимиз билан доимий ҳамкорлик қилувчи маҳаллий профессионал социологлар, сиёсатшунослар, иқтисодчилар, журналистлар иштирокида экспертлар ҳамжамиятининг тузиш ҳам синовдан ўтган тақриба.

Ўзбекистонда ёки ташқарида фаолият олиб бораётган экспертлар гуруҳлари академик доиралардан узилиб қолгани сезилади. Шу сабабдан, оммавий ахборот воситаларида республикамиз ҳаётига доир эълон қилинаётган чиқишларда илмий асослар саёзлиги кўринади.

АЧИНАРЛИ ҲОЛАТ

Нуфузли халқаро наشرларда республикамиз имижини билан боғлиқ салмоқли илмий мақоаларнинг камлиги ачинарли ҳол. Бу борада хорижда босилган фундаментал асарлар деярли учрамаглигини ҳам афсус билан таъқидлаш зарор.

Мустақил экспертлар ва тадқиқот марказларининг фаолиятига баҳо беришди, авваламбор, улар томонидан хорижий оммавий ахборот воситаларида эълон қилинган мақоаларнинг сифати ва миқдорига эътибор қаратиш тўри бўларди.

Самарали меҳнат қилаётган ўзбекистонлик экспертларни тақдирлаш мақсадидида, уларни мутахассислар алмасуви дастурлари орқали ривожланган давлатларга қисқа муддатли малака ошириш курсларига юбориш тақрибисини кенгайтириш керак.

АҚШ, Россия, Хитой, Германия, Буюк Британия, Франция, Исроил

Хитойда қабул қилинган ташқи сиёсат концепциясида асосий эътибор "мўстақил таъсир кучи"га қаратилган. Бу куч хорижий давлатларга, асосан яқин қўшни мамлакатларга Россиянинг ғояларини ва маданиятининг, рус тилини сингдиришга ҳаракат қиладилар.

Ҳозирги даврга келиб россиялик ташқи тарғиботга мўлжалланган нотихорат ташкилотлар сони беш мингдан ошди. Бу кўрсаткич 2002 йилга нисбатан икки баробар кўпдир. Уларнинг орасида энг машхурлари қуйидагилар: Ташқи ва муудофаа сиёсати бўйича кенгаш, "Пир-Центр", Стратегик баҳолаш ва таҳлил институти, Яқин Шарқ институти, Сиёсий ва халқаро тадқиқотлар маркази, Стратегия ва технологиялар тахлили маркази, Замонавий тараққиёт институти, Жаҳон сиёсати ва жамоатчилик дипломатияси маркази ва бошқалар.

Ўтказилган хорижий оммавий ахборот воситалари тахлили натижалари кўтарилган масаланинг нақадар жиддийлигини яққол кўрсатади. Негаки, уларнинг аксариятида Ўзбекистон имижини ҳалигача салбий бўёқларда берилади. Умуман олганда, жаҳон медиа маконидидаги республикамизга доир салбий ва ижобий ахборотлар ҳаж-



Эътибор — юксак рағбат

— Қайд этиш лозимки, юртимизда қайси соҳада фаолият олиб борганига қарамай, барча нуруний отахон ва онахонлар доимо эътибор ва эъзода, — дейди Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси Саъдулла Ҳақимов. — Уларнинг ҳаётий тақрибаси оила ва жамият мустақамлиги, ёшларни баркамол этиб тарбиялашда катта ҳаёт мактаби бўлиб хизмат қилмоқда. Бинобарин, жорий йилнинг ўтган даврида уюшма ва унинг ҳудудий бўлими вилоят, шаҳар ва туманларда, умқ қишлоқ ва овулларда мурузгорлик қилаётган фахрий журналистларни ҳар

томонлама қўллаб-қувватлаш мақсадидида бир қатор ишларни амалга оширди. Жумладан, шу йилнинг ўтган даврида Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси ва Республика товар — ҳам ашё биржаси ўртасидида тузилган "Дўстлар клуби" томонидан жами 150 нафарга яқин, шундан Тошкент шаҳри бўйича ўттиздан ортқ фахрий журналист ҳолидан хабар олиниб, уларнинг ҳар бирига 400 минг сўмлик озиқ-овқат махсуслотлари топширилди. Бундан ташқари фахрийларимизнинг саломатлигини тиклаш, шифохоналарда имтиёзли даъволаниши таъминланди. Эътиборлиси, бу

борадаги тадбирлар кўлами кун сайин кенгайиб бораёпти. Бунда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 10 августдаги "Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"даги қарори дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда.

Куни кеча Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси билан Республика товар хом-ашё биржаси ўртасидида тузилган "йўл харитаси" доирасида мазкур икки ташкилот ходимлари Тошкент шаҳрида яшовчи бир гуруҳ фахрий журналистларнинг хона-

донларида бўлиб, уларнинг ҳолидан хабар олди. Дилдан сўхбат қурди. Фахрийларимизни ўйантираётган муаммолар ўрганилиб, уларни бартараф этиш бўйича аниқ режалар тузилди. Шунингдек, уларга "Дўстлар клуби" томонидан ажратилган йириктан ортиқ турдаги озиқ-овқат махсуслотлари топширилди. Биз таъриф буюрган Бектемир тумани, Биол Нозим кўчаси, 111-уй, 62-хонадонда узоқ йиллар юртимиздаги турли ОАВда фаолият кўрсатган Жумабой ота Холматов истиқомат қилиб келаяпти. Жўрабой ота билан ҳам ўтган йиллар, меҳнат фаолияти ва бугунги

қунимиз ҳақида сўхбатлашдик.

— Биз, кекса авлод вақиллариға кўрсатилаётган юксак эътибор ва гамхўрлик учун Юртошимиздан чексиз миннатдоримиз, — дейди 80 ёшли Жумабой ота Холматов. — Биз ишлаган йиллар қийинчилик ва машаққатларда ўтган. Бугун эса газета ва телевидениеда фаолият олиб бориш учун фарзандларимиз, набибаларимизда шараф, нароитлар бор. Мен бир неча йил марказий журналларда, турли лавозимларда ишладим. Собиқ совет тузимини пайтида ишлаш азоб эди. Газетани босмахонада чоп

этиш эса катта меҳнат талаб қиларди. Бугунгидаги техника ва технология қаерда дейсиз. Босмахонада газетада босилаётган мақоланинг ҳар бир харфи кўргусинда териб чиқилар эди. Ёшларга яратилган имкониятлардан тўғри фойдаланишни, чўқур илм олишни, тил ўрганишни тилаймиз. Тинч ва осойишта, фаровон кунларни қадрига етишсин. Биз, фахрийлар юртимизининг янада равнақ топиши, фарзандларимизнинг комил инсон бўлиб воёга етиши учун куну тун дуодамиз.

"Правда Востока" газетасида кўп йиллар фаолият олиб борган Виктор Дегтярев хонадонидида бўлганимизда ҳам у киши бундай эътибордан боши қўққа етганини таъқидлади.

— Ҳозир ҳам мақола ёзиш ёки уларни тақрир этишга кучим этади, — дейди Виктор Петрович. — Фақат, тақрирларга бориб ишлашим учун соғлигим йўл қўймайди. Журналист касбининг танлаганидан ҳеч афсусланмайман. Ҳаётимдан мамнунман.

Шу кун Тошкент шаҳрида яшовчи, 20 нафардан ортқ соҳа фахрийлари ҳолидан хабар олдинди. Бундай хайрли ишлар бутун республикамиз бўйлаб давом этмоқда.

► Сўхбат

Адабиётда ҳар қандай асар аввало, ўқиш учун ёзилади. Ўқиш асар яратиш эса осон эмас. Балки шу боис энг машҳур адабларнинг ҳам китобхон талашиб-тортишиб ўқийдиган асарлари санокли бўлади. Бу — табиий. Рус адабиётининг мумтоз санъаткори, буюк адиб Лев Толстойнинг ҳаётлигида тўхсон томлик асарлари нашр этилган бўлса-да, унинг "Уруш ва тинчлик", "Анна Каренина", "Тирилиш" каби санокли романларигина кўпроқ тилга олинади.

Устоз Абдулла Қаҳҳорнинг "Китоб шавқ билан ўқилиши керак" деган ўғити ҳеч қачон эскирмайди. Масаласи шу нуқтаи назардан ёндошиб, адабиётимизда китобхон эътиборини қозонган, "шавқ билан" ўқиладиган асарлар ҳам яратилишми, деган саволни аҳён-аҳён ўртага ташлаб туриш фойдадан ҳоли эмас.

Таникли ёзувчи Шодмон ОТАБЕКнинг "Дўрмон хангомалари" китоби қисқа даврда беш марта қайта чоп этилди ва китобхонлар тилига тушди. Қуйида навбатдаги нашрдан чиққан ушбу асар ҳақида адиб билан сўхбатни ўқийсиз.

Адиба УМИРОВА
"Hurriyat" мухбири

— Ҳаётда қизиқ гап топиш ёки хангома топиш — жуда мушкул иш, — дейди адиб. — Аммо турмушда баъзан шундай ажиб хангомалар, гаройиб воқеалар, чиройли лутфлар учрайдики, улар ростлиги-ҳаётлиги, қизиқлиги-мароқли экани билан кўнглига завқ-шавқ улашади. Башарти улар маълум ва машҳур кишилар ҳаёти билан боғлиқ бўлса, одамларда яна-да катта қизиқиш уйғотади. "Дўрмон хангомалари" китобнинг ёзилишига аввало, шоир ва ёзувчилар давраларида бўлиб ўтган дилкаш сўхбатлар, ҳазил-мутойибалар, ичакузди хангомалар сабаб бўлган. Уларнинг аксариятига ўзим гувоҳман. Саид Аҳмад, Пиримқул Қодиров, Мавлон Икром, Азиз Абдураззоқ каби кекса адиблардан эшитганман. Ҳаммаси табиий, ҳаётини ҳолатида "туғилган" ва қозоғга тушган. Энди инсон умрининг ғанимат эканини ўйлаб кўрсам, маъноли ибратли хангомаларни ҳам тўплаш ва ёзиш керак экан. Китобнинг олдинги нашрларига қаҳрамон бўлган кўпгина адиблар бугун орамизда йўқ, Оллоҳ уларни ўз раҳматига олган бўлсин.

Ҳазрат Навоий, Машраб, Фурқат, Муқимий каби кўплаб мумтоз шоирлар ҳаётида мароқли хангомалар бўлмаган дейсизми? Бўлган, албатта. Фақат уларни йиғиб-тўплаб, авлодларга қолдирадиган котиблар бўлмаган.

Буюк немис шоири Гётенинг ёнида юриб, у айтган эътиборли ҳар бир гапни эринмай қозоғга тушириб борган шайхий котиби Эккерман адабиёт ва тарих учун хайрли иш қилган, албатта. Бизда ҳам шундай хайрли ишга эҳтиёж бор экан, баҳоли қудрат уни удалашга ҳаракат қилдим. Назаримда, техника асрида биргина қозоғга туширишнинг ўзи камлик қиладигандай туюлади. Қанийди бетақдор гурунларини, адиблар билан бўладиган мароқли учрашувлар, мушоиралар, китоб тақдирларини видеотасвирга тушириш имкони бўлса. Авлодларга бебаҳо мерос бўлиб қоларди.

Шоир Мирзо Кенжабек бундан бир йил муқаддам менга шундай режиси борлигини айтган эди: "Эркин ака билан адабиёт музейларини бирга айлансак, шу сайр-томошамиз видеотасвирга тушириلسин..." Афсуски, эзгу ният амалга ошмай қолди. Раҳматли Эркин ака Воҳидов "Дўрмон хангомалари"га ёзган сўзбошида "Умр ўткини, хотира боқийдир" деб бежиз айтмаган экан.

— "Дўрмон хангомалари"га қаҳрамон бўлган адибларнинг ҳаммаси ҳам таникли, машҳур эмас.

— Китобни ўқиган айрим номдорроқ адиблар менга "Қаҳрамонларнинг майдалаштириб юборилмас" деб эътироз билдиришди. Мен бу фикрга унчалик қўшилмадим. Ахир аксарият таникли адиблар ҳам ўз вақтида оддий бир журналист, қаламкаш сифатида ижод бўстонига кириб келишган. Китобхон аслида қаҳрамоннинг "майда" ёки "йирик"лигига унчалик аҳамият бериб ўтirmайди. Мароқли хангома, маъноли кулги, бетақдор лутфлар ким томонидан айтилмасин, кўпчиликни бефарқ қолдирмайди. Қолаверса, каминга фақат машҳур кишилар ҳаётдан хангомалар ёзишни даъво қилаётганим йўқ.

— Нима учун китоб "Дўрмон хангомалари" деб номланган?

— Тошкентнинг Қибрай туманида ёзувчиларнинг Дўрмон ижод уйи бор. Хангомаларнинг аксариятини дастлаб ана ўша файзли масканда эшитганим учун шундай номланган. Ушбу ижодхона не-не табарриқ зотларнинг мароқли сўхбатларига гувоҳ бўлган муътабар даргоҳ. Ажабо, умрининг оқар сувдай ўтишини қаранг. Энди ана ўша қувноқ гурунлар ҳам тарих бўлиб қолаётди.

Дўрмонга ижод қилиш учун борган ёзувчи эртдан кечгача хонанишин бўлиб ўтирмайди. Кўнгли чи-

Ҳангомаларга йўғрилган қадриятлар



Таникли ёзувчи Шодмон ОТАБЕК билан сўхбат

галини ёзиб, ҳамкасблари, кўни-қўшнилари билан гурунлашгиси келади.

"Дўрмон хангомалари"нинг ёзилишига ана ўша табарруқ максдан-да ўзим гувоҳ бўлган мароқли гурунлар, ичакузди хангомалар туртки бўлган. Китобнинг номини ҳам "сопини ўздан чиқариб" "Дўрмон хангомалари" деб қўя қолдим

— Китобнинг охириги нашри олдингиларидан нимаси билан фарқланади?

— Аввало, кўзга яққол ташланадигани ҳажми. Бу галиси анча салмоқли. Ҳар гал албатта, янги хангомалар билан тўлдирилди, жиҳдий таҳрир қилиниб, сараланади. Латифа ишқибозлари орасида "Янгисидан борми?" деган ибора бежиз айтилмайди. Ушбу бешинчи нашрдаги яна бир муҳим янгилик қаҳрамонларнинг қисқача таржimai ҳоли билан фотосуратлари ҳам берилди. Натичада хангомаларнинг ўзига хос энциклопедияси юзага келди. Китобнинг қиммати янада ошди, деб ўйлайман.

— Маълумки, ҳазил туйғуси ҳаммада ҳар хил бўлади. Бу — табиий. Хангомаларни ёзаётганда ана шу муҳим ҳолатни эътиборга олганмисиз?

— "Дўрмон хангомалари" аввало, ҳақиқий адабиёт муҳлисига, ҳазил-мутойибани, кулгини нозик ҳис этадиган муҳлисига мўлжалланган.

Таникли кулги дарғаси, адабиётимизда сатира ва юмор равнақи-га бебаҳо ҳисса қўшган ёзувчи Саид Аҳмад кулгининг моҳияти ҳақида шундай муқояса қилган: "Мабодо бирво, фалончи дунёдан кулмай ўтиб кетибди, деса, қулоғимга: уйламай ўтиб кетди, деб эшитилди. Кулмаслик ўзини ўзи роҳатдан, хузур-халоватдан тийиш демакдир. Кулги одамнинг ичидан чиқади, ичи тоза одам кулади. Ичиди губорин бор одам кулолмайди".

Устоз Озод Шарафиддиновнинг бу борадаги гапи ҳам ибратлидир. "Истеъодли одам юмор туйғусидан бенасиб бўлиши мумкин эмас ва аксинча, юмор туйғусига эга бўлмаган одам истеъодли бўлолмайди".

"Дўрмон хангомалари"да юксак истеъод соҳибларига даҳлдор хангомалар китобхонга завқ-шавқ беради, деб ўйлайман.

Кулги, авваламбор, самимиликни тақозо этади. "Маза қилиб қуладиган одам — яхши одам" деб ёзади Фёдор Достоевский. Беғубор кулги руҳий баркамолликдан далолатдир. Инсоннинг кимлиги, айниқса, унинг кулгисига яққол намоён

ТАБРИКЛАЙМИЗ

Газетамиз саҳифаланаётганда хушхабар олдик. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси томонидан мамлакатимиз мустақиллигининг 27 йиллигига бағишлаб ташкил этилган "Ватан учун яшайлик!" VII республика танловининг ғолиб ва совриндорлари эълон қилинди. Ҳамкасбимиз Адиба УМИРОВА ажойиб шеърлари ва долзарб мавзулардаги публицистик асарлари учун ушбу нуфузли танловнинг рағбатлантирувчи мукофотига сазовор бўлди. Чин дилдан табриклаймиз!



бўлади. Ҳеч нарса одамларни бир-бирига чинакам, беозор кулгудек яқинлаштиролмайдир. Охунжон қизиқ лутф қилганидек, ҳаммом одамнинг танасини тозаласа, кулги руҳини поклайди. Китобга мақола бағиш-

характеригина эмас, уларнинг замона ва адабиётга муносабати, маданияти, дунёқараши, савияси, истеъдодининг даражаси ва йўналиши ҳам очилади. Аслида, хангомалардан мақсад ҳам шу! Гоҳо жид-

► Мулоҳаза

Ўғлимнинг боғча опаси менга қоғоз тутқазди: "Болангизни мана бу шифокорлар кўригидан ўтказиб келинг". Иш, уй-рўзғор ташвишларидан ортиб, боламнинг нутқиға унчалик эътибор беролмаганимдан яна бир бор эзилдим. Чиндан ўғлим беш ёшга қадам қўйган бўлса-да, ҳануз айрим товушларни тўғри талаффуз этолмайди.

Прокурорлар ҳам ҳавас қиладиган ҳукм

Гўзал ТУРСУНПУЛОВА
журналист

Эртаси кун саҳарлаб она-бола поликлиникага чикдик. Яхшиямки, маҳалла шифокори жойида экан. Бироқ у кўлимга энди йўлланма тутқазди: "Аввал психоневролог кўригидан ўтказиб келинг!" Ишга кечикаётган эдим. Шаҳарнинг нариги буржидаги поликлиникага таксиди кетдик. Рўйхатга ўн тўртинчи бўлиб эзилдик. Қизиғи, шифокор ҳали иш бошламасидан, навбатдагилар сони ўттизга етди. Тўғри-да, ҳафтада икки кун, унда ҳам тушлик-кача ишлайдиган "арзанда"нинг қабулига кириш осон бўптими. Бунинг устига, бутун шаҳардан миждозлар "оқиб келса".

Кутуш йўлакчасидаги ҳолатни тасвирлашга сўз ожиз — бир-бирини туртган, болалар йиғлаган, бақирган, ҳатто чарчаганидан ерга узала тушиб ётиб олганлари ҳам бор. Пин-жимга кириб, атрофга олазарок боқаётган ўғлимнинг ҳам аҳволи бир нав — юз-кўзлари ҳорғин, диққинафасликдан пешонасидан тер оқмоқда.

Ниҳоят, навбатимиз келди. Тўрда шифокор, ёнида ҳамшираси. Дафтарига алланималарни ёзаётган ҳамшира юзимга ҳам қарамай, паспортимни сўради. Узатдим. Кейин боланинг туғилганлик ҳақидаги гувоҳнамасио прописка қозоғини сўради. Очиғи, бундай ҳужжатлар талаб этилишини кутмаган эдим. Тилимини тишладим. Тишламасам, кўп гаплар чиқиб кетарди. Ялиндим. Ҳамшира прокурорлар ҳам ҳавас қиладиган ҳукмнамо оҳангда тўнғилди: "Бошқа эсиздан чиқмасини!" Шундан сўнггина ўғлимнинг кимлигини дафтарига ёзиб, ундан исми, ёши, санок сонларни, ҳар хил рангларни сўради. Сўнг "Қандай меваларни биласан?" деди. Ўғлим иккиландими ёки ҳаяжонга тушдимми, жим қолди. Ҳамшира ундан кўз узмай, саволини баландроқ овозда такрорлади. "Бирортасини айтиб юборинг, уёғини давом эттиради ўзи" деб гапга қўшилдим. Ҳамшира ўқрайди: "Масалан, олма..."

Ўғлим сайрай кетди: "Нок, узум, хурмо, банан!..."

Ниҳоят шифокор қозоғга нимадир қоралаган бўлди-да, муҳрини босиб, менга узатди. Елкамиздан тоғ ағдарилгандек енгил тортидик. "Бу ера бошқа келмайлик, ойи, хўмми, жуда-жуда чарчадим!"

Психоневролог деганларининг олдида бола руҳияти шундай чарчаб чиқса, унда бошқаларидан қандай гина қилайлик.

Йўлда шифокорнинг ҳукмини — ташхисни ўқидим: "Интеллекти ёшига мос". Шу учунга сўз учун шунча вақту асаб сарфладикми? Ишим битди, лекин юрагимда доғ қолди. Шифокор қабулига киргунча, қирилгандан кейинги ҳолат-вазирати эсладим: "Наҳотки боғча-ю мактабга қабул қилиниши олдида ҳамма бола шундай аянчи жараённи бошидан ўтказса?"

Йўл-йўлакай тагин эътирозлар ич-этимни еди — психоневролог деганлари анқонинг уруғимиканки, ҳар поликлиникада биттадан топилмаса! Талаб шунчалар кучли экан, нега боғчаларнинг ўзида шу штатни очиб қўя қолишмайди? Соатлаб навбат кутиб, ҳам жисми, ҳам руҳи чарчаган бола психоневролог саволларига тўғри жавоб бера олмаса, мактабга қабул қилинмай қолиб кетаверадими? Устига-устак гўдакка бераётган айрим саволлари ғалати бўлса — катта ёшли одамни-да чалғитади, ўйлатади.

Хуллас, психоневролог деганларини боламнинг руҳиятини кўтариб, ўйнатиб-кулдириб, саволларига жавоб олдирадиган, уларга озор бермайдиган самими шифокор деб билган эканман. Қарангки, чучварани хом санабман.

Қайси идорага бош суқсангиз фикр-у таклиф сўралаётган замонда, мен ҳам четда қолмай: "Мактабга таълим муассасаси логопеди ҳеч қандай қўшимча тиббий кўриқларсиз ўзи тарбияланувчиларни саралаб олсин. Боғча психологлари ҳам боғча боласида қандайдир салбий ўғриш кузатсагина, психоневролог кўригига йўлланма берсин. Энг асосийси, ортқоқа югур-югур ва турнақатор навбатларнинг олдини олиш учун оилавий поликлиникаларнинг ҳар бирида жилла курс биттадан психоневролог штати очилсин".

Фарзандларимизни "эртамиз келажаклари" деб алқаймиз. Уларни ўзига бўлган ишончини бугундан сўндирайми.

Завқ билан ўқилади

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва
“Ижод” фондининг ажойиб тухфаси


► Тақдимот

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида “Адиб ва жамият” рукнида “Ижод” фонди ҳимойлигида чоп этилган китоблар тақдимоли бўлиб ўтди.

Тадбирда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси Сирохиддин Саййид, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси раиси Акмал Саидов ва бошқалар мамлакатимизда барча соҳалар қатори миллий адабиётимиз ривожига алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади. Бунда давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 3 август кuni ижодкор зиёлилар билан ўтказган тарихий учрашувдаги нутқида белгилаб берилган вазифалар муҳим омил бўлмоқда.

Наргиза БОБОМУРОВА

“Hurriyat” мухбири




ХАЛҚ ҚАЛБИГА ЙЎЛ

“Халқ қалбига йўл” китобида одамларнинг мамлакатимизда амалга оширилаётган хайрли ишлардан розилик, миннатдорлик ва шукроналик туйғуларини ёрқин мисолларда акс эттирибди. Бундан шундай бир ҳикмат аниқлашдики, бировнинг дардини тинглай олиш, ҳис қилиш, ўз дардидий қабул қилиш билангина унинг қалбига йўл топиш мумкин. Шу маънода Халқ қабулхоналари чин маънода кўпмиллатли халқимиз қалбига очилган эзгулик йўли бўлди, десак янглишмаймиз. Ушбу китоб бу ишларнинг қанчалик аҳамият-ли эканлигини аниқлашми-з да яқиндан ёрдам беради.



ФАРҒОНАЛИКЛАР


Ўзбекистон халқ шоири Анвар Обиджоннинг янги асарларини китобхонлар до-имо катта қизиқиш билан ку-тиб олади. Серқирра ижод соҳибининг публицистик жанрда ҳам ўз ўрни бор. Тур-ли даврларда битилган кўп-ла мақола, очерк ва эс-селари долзарб мавзуларга бағишланган. Анвар ОБИД-ЖОН “Фарғоналиклар” са-фарнома китобида Фарғона вилоятида амалга оширила-ётган хайратомуз ўзгариш-ларни, меҳнат аҳли кайфия-тидаги мислсиз кўтаринки-ликни устоз Эркин Воҳидов билан гойибона суҳбат шак-лида моҳирона тасвирлаган.



ЗАРБ


Ўзбекистон халқ шоири Икбол МИРЗО “Зарб” қис-сасида биз излаган қаҳра-монни шундоқ ёнгинамизда елкама — елка яшаётган одамлар орасида кўради. Қиссада ана шундай юрт-

дошларимиздан бири Рустам Махидов ўз қатъияти, иро-дасига суяниб қанчадан-қанча машаққатларни енгиб ўтади. Ўзбекистон халқ ёзувчиси Эркин Аъзам қисса ҳақида шундай дейди: “Кўп йиллар бурун газетада Иқбол Мир-зонинг бир лавҳасини ўқиб, “Шоирда қора сўзгаям уқув борга ўхшайди, наср ёзиб кўрса бўларкан” деган гап ха-ёдан ўтган эди. Шунгами, кuni кеча учрашганимизда “Кисса ёздим, ака, бир кўз ташлаб берсангиз” деганида унчалик ажабланмадим, ле-кин ичимда, ҳа энди, шоир кўнгилнинг анчайин таманол-ларидир-да, деб қўйганимни ҳам яширмайман. Адашган эканман, қаранг. Худди кўп-дан бери наср машқ қилиб юргандек (эҳтимол, шундай ҳамдир) ишонч билан, эркин, раvon қалам сурибди. Тўғри, одатдаги қуюшқонларга соли-либ қараганда, унча-мунча “хато”лари чиқади. Аммо кўлам кенг, персонаж бисёр (одам гоҳо қалаванинг учини йўқотиб, чалкаштириб ҳам юборади), асардан роман-нинг нафаси келади, хомаки-роқ роман ҳам дейсиз. Бироқ булар бари даққи қонун-қоидаларга кўрагина! Билиб-ми-билмайми, муаллиф шу-ларни бузган денг. Балки, тўғри қилгандир, а? Бу бо-рада унча-мунча ютқизиклар сезилади, албатта. Аммо то-пилдиклар ҳам кам эмас. Ке-линг, дарров оёқдан олавер-май, бағирни кенг қилайлик. Бу — Иқбол шоирнинг наври! Иқбол Мирзо шундай ёзади, тамом-вассалом! У шундай ёзадики, мутлоаддан асло зе-рикмайсиз, асар енгил ўқилади, завқ билан ўқила-ди; халқона тилига, бурро ифода-ибораларига-ку тан бермай илож йўқ. Муҳими шу эмасми ахир? Езаверсин-чи... Хуш келибсиз, Иқболжон, а-жир қаламингиз билан биз — нони қаттиқлар сафини тез-роқ тўлдиргайсиз!”



ШОДМОНКУЛ САЛОМ КЎНГИЛ ОБИДАСИГА ЙЎЛ

Шодмонкул САЛОМнинг “Кўнгил обидасига йўл” китобида жамланган эссе ва публицистик мақолалари ҳам бевосита юртнинг беадоқ манзаралари, элдошларнинг қизгин ҳаёти, олам ичра олам бўлган адабиётнинг сирли мавоеларидан илҳом ва қув-ват олиб қорозга тушган. Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби Иброҳим Гафуров ушбу китоб ҳақида шундай дейди, “Шоирнинг бу китобини варақлаб чиқмоқчи бўлсангиз, вақт омонсиз таз-йикқа олаётганини бутун ву-жудингизда ҳис қилиб тура-сиз, тезроқ ўқиб битира қолай дейсиз, аммо варақлаб чиқолмайсиз: сўзлар, фикр-лар, қуйилмаган ифодалар, қўлбола ҳикматлар, ажабто-вур воқеалар, ва уларнинг янада ажабтовурроқ perso-нажлари назарингиз, фикр-ингиз, ҳаёлингизни чулғаб олади. Бу ажабтовур нарсаларни дам қалами бор элшун-нос, дам туйғуси тоза ва тош-қин шоир, дам дардли, қуй-инчак журналист қорозга ту-ширганга ўхшайди. Бу унинг бадиалар китоби, у бир неча йиллар ичида ёзилган.”



ЭНАХОН СИДДИҚОВА БАРХАНЛАРДА УНГАН ГУЛ

Ўзбекистон халқ шоири Эна-хон СИДДИҚОВАнинг “Бар-ханларда унган гул” китоби ҳамиша халқ ичида юриб, эл дардини ўқиб ижод қилувчи қалам соҳибасининг, ижодкор-нинг юксак бурч ва масъулия-тига кўра, қалб амри билан қорозга туширилган лиро-элик достондир. Асарда бир умр ер билан тиллашиб яшаган, борини даласига бахшида қилган ва жасоратли меҳнати тўфайли доврў таратган Ло-лаҳон Муродованинг ибратли умр йўли маҳорат билан тал-қин этилган.

Таниқли шоир Эшқобил ШУКУРнинг “Бобо сўз изи-дан” китоби халқимиз тари-хига томирдош бўлган, тур-кий тиллар оиласида хази-

Ушбу китоблар “Mashhur-press” нашриётида чоп этилган.

ОЛИЙ МАЖЛИС ҲУЗУРИДАГИ ЖАМОАТ ФОНДИ “Жамиятда миллатларо бақрикенглик, тинчлик, ўзаро меҳр-оқибат ва дўстлик муҳитини мустаҳкамлашга қаратилган лойиҳаларни рағбатлантириш” мавзуида давлат грантлари ажратиш учун танлов ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Танловга нодавлат нотижорат ташкилотла-ри ва фуқаролик жамиятининг бошқа инсти-тутларини қуйидаги ижтимоий мақсадларни амалга оширишни назарда тутган лойиҳала-ри қабул қилинади:

1. Ўзбекистон халқларининг номоддий маданий ме-росини (халқ бадиий ҳунармандлиги ва амалий санъ-ати, фольклор ёдгорликлари, миллий байрамлар, фестиваллар, миллий таомлар ва бошқалар) хори-жий аудитория ўртасида оmmалаштириш;
2. Жамиятда ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибат ва ҳамжи-ҳатлик муҳитини шакллантиришда, миллий ва умум-инсоний қадриятларни асраб-авайлаш ҳамда ривож-лантиришда фуқаролик жамияти институтларининг аҳамияти ва нуфузини ошириш;
3. Юнесконинг умумжаҳон маданий мероси объект-ларига киритилган, мамлакатнинг меъморчилик ва тарихий ёдгорликлари, миллий маданият, санъат ва адабиётнинг ёрқин тимсоли бўлган намуналар тўғри-сидаги маълумотларни чет тилидаги махсус манба-лар орқали Интернет тармоғида тарғиб қилиш;
4. Ўзбекистон халқларининг тарихи ва маданияти-ни оmmалаштириш, унинг тарихий-маданий мероси-га, тақдорланмас гўзаллиги ва хилма-хиллигини тар-ғиб этишга қаратилган тадбирларни ташкил этиш;
5. Ўзбекистонда яшаб келаётган турли миллат ва эл-латларнинг азалий миллий аънаналари, урф-одат-лари, удуумларини сақлаш борасида амалга ошири-лаётган тадбирлар ҳақида кенг жамоатчиликни ха-бардор қилиш;
6. Интернет тармоғида миллий аънаналар, урф-одатлар ва удуумларни асрашга бағишланган ўзбек, рус ва инглиз тилидаги махсус манбаларни яратиш;
7. Миллатларо дўстлик ва ҳамжиҳатлик, бирдам-лиқни янада мустаҳкамлаш, конфессияларо тўтув-ликни таъминлашда фуқаролик жамияти институтла-рининг роли ва аҳамиятини оширишга кўмаклашиш;
8. Маданий меросни сақлаш, аҳоли ўртасида ма-даний меросга бўлган муносабатни янада юксалти-риш, уларни келажак авлодга бекаму кўст етказиш ва маданий меросга бўлган муносабатни шаклланти-риш борасида тарғибот ишларини олиб бориш;
9. Турли миллат ва эл вакиллари ўртасидаги то-тувликни таъминлаш тажрибасини оmmалаштириш, тарғиб қилишга бағишланган китоблар, тўпламлар, телекўрсатув ва радиозинтиришлар тайёрлаш;
10. Юртимизда яшаётган барча миллат ва эл-лат-лар, ижтимоий тоифа вакиллари ўртасида “Мен не-

чун севаман, Ўзбекистонни!” шиори остида танлов-лар ташкил этиш;

11. Миллий маданий марказлар томонидан мам-лакатимизнинг эркин демократик тараққийтини акс эттирувчи турли хилдаги тўпламлар, ижодий ишлар-ни чоп этиш ва халқ оmmasига етказишда ҳар томон-лама кўмаклашиш;
12. Турли миллат ва эл вакилларининг ўзига хос миллий аънаналари, урф-одатлари ва маросимлари-ни сақлаш бўйича мамлакатимизда изчил амалга оширилаётган чора-тадбирлар тўғрисида халқро жамоатчиликни хабардор қилиш;
13. Тарихий ёдгорликлар ҳақида кенг тарғибот иш-ларини амалга ошириш, маданий меросларни асра-раш бўйича давлат органлари билан ННТлар ўртаси-да ижтимоий шериклик муносабатларини кучайти-риш.

Давлат гранти танловида иштирок этиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

1. Ташкилот раҳбари томонидан имзоланган ва муҳр билан тасдиқланган қузатув хати;
2. www.fundngo.uz веб-сайтида жойлаштирилган шакл-да тўлдирилган давлат гранти лойиҳаси учун ариза;
3. Давлат рўйхатидан ўтказилган Устав (Низом)и ҳамда гувоҳноманинг муҳр билан тасдиқланган нус-хаси;
4. Агар лойиҳани амалга ошириш лицензиялана-диган фаолиятни талаб қилса, унда лицензиянинг нус-хаси тақдим этилади.
5. Манфаатдор давлат ва йирик жамоат ташкилот-лари билан тузилган ижтимоий шериклик қўшма ре-жалари илова қилиниши мумкин.

Битта лойиҳа учун давлат гранти миқдори — **30 млн. сўм.**

Ҳужжатлар 2018 йил 17 сентябрдан 22 октябргача қабул қилинади.

Ҳужжатлар “Олий Мажлис ҳузурдаги жамоат фонди” номига:

100163, Тошкент шаҳри, Ислоҳ Каримов кўча-си, 43-уй манзилига “Ўзбекистон почтаси” орқали муҳрланган конвертда (А4 форматда) юборилиши шарт.

Ҳужжатлар намуналари билан Олий Мажлис ҳузу-ридаги жамоат фондининг www.fundngo.uz расмий веб-сайтида танишиш мумкин.

Маълумот учун телефонлар:
(0-371) 239-26-76, 239-26-86.

ОЛИЙ МАЖЛИС ҲУЗУРИДАГИ ЖАМОАТ ФОНДИ Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 70 йиллиги муносабати билан “Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари — олий қадрият” мавзусида давлат гранти қўшимча танловини ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Танловга нодавлат нотижорат ташкилотла-ри ва фуқаролик жамиятининг бошқа инсти-тутларини қуйидаги ижтимоий мақсадларни амалга оширишни назарда тутган лойиҳала-ри қабул қилинади:

1. Жамиятда юксак ҳуқуқий онг ва дунёқарашни, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларни маданиятини юк-салтириш;
2. Давлат ва жамиятнинг очик мулоқотини шакл ва механизmlарини янада кенгайтиришда ҳамда сама-радорлигини оширишда давлат органлари билан иж-тимоий шерикликни кучайтириш;
3. Жамоатчилик назорати институтини кенг қарор топтириш, унинг шакл ва механизmlарининг таъсир-чанлигини ошириш;
4. Харакатлар стратегияси доирасида қабул қилин-ган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг мазмун моҳия-тини маҳаллий ва хорижий аудиторияга етказишнинг инновацион усулларини ҳаётга татбиқ этиш;
5. Жамиятда оила институтининг ўрнини янада мус-таҳкамлашга, унинг нуфузини оширишга, ажралиш-лар ва ижтимоий етимликнинг олдини олишга кўмак-лашиш;
6. Шахснинг меҳнат қилиши, эркин касб танлаши ва қонунларда белгиланган тартибда белгисизликдан ҳимояланишига амалий кўмак кўрсатиш;
7. Жамиятда илмий-техникавий ижод эркинлиги, маданият ютуқларидан фойдаланиш ҳуқуқини таъмин-лашга кўмаклашиш;
8. Ёшларни, айниқса ота-она васийлигидан маҳ-рум бўлган ёшларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, со-ҳада ижтимоий шерикликни ва жамоатчилик назора-тини шакллантириш;
9. Оғир ижтимоий муаммолар гирдобида қолган эҳтиёманд аҳоли қатламларини жамиятга интегра-циялашувда, реабилитациясида ва мослашувда иж-тимоий шерикликни кучайтириш;
10. Маҳаллаларда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда, профилактика қилишда, ҳуқуқбузарликларга нисбатан муросасизлик муҳитини яратишда давлат органлари билан ижтимоий шериклик механизmlа-рини кенг жорий этиш;
11. Уюшмаган, тарбияси муаммоли ёшлар билан ишлашда давлат ижро органларига амалий ёрдам бериш, улар билан ижтимоий шерикликни янада куч-айтириш;
12. Истеъмолчилар ҳуқуқларини таъминлаш тизи-мини такомиллаштириш, соғлиқни сақлаш, таълим, маданият ва спорт соҳаларида жамоатчилик назора-тининг янги шакл ва механизmlарини жорий этиш;

13. Жамиятда миллатларо тинчлик-тотувлик, бағ-рикенглик тамойилларини, миллий ва умуминсоний қадриятларни янада мустаҳкамлашга кўмаклашиш;

14. “Обод маҳалла”, “Обод қишлоқ”, “Ёшлар-кела-жамимиз” Давлат дастурларини амалга оширишда маҳаллий давлат органларига, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига кенг қўламда амалий кўмак кўрсатиш;

15. Ёшларни бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш, уларни дунёвий билимларни эгаллашга рағ-батлантириш;

16. “Жаҳолатга қарши — маърифат” шиори остида ёшлар ўртасида туркум тарбиявий тадбирларни таш-кил этиш;

17. Маҳаллаларда ижтимоий-маънавий муҳитни яна-да яхшилашда маҳаллий давлат органлари ҳамда йи-рик жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликни кучай-тириш.

Давлат гранти танловида иштирок этиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

1. Ташкилот раҳбари томонидан имзоланган ва муҳр билан тасдиқланган қузатув хати;
2. www.fundngo.uz веб-сайтида жойлаштирилган шакл-да тўлдирилган давлат гранти лойиҳаси учун ари-за;
3. Давлат рўйхатидан ўтказилган Устав (Низом)и ҳамда гувоҳноманинг муҳр билан тасдиқланган нус-хаси;
4. Агар лойиҳани амалга ошириш лицензиялана-диган фаолиятни талаб қилса, унда лицензиянинг нус-хаси тақдим этилади.
5. Манфаатдор давлат ва йирик жамоат ташкилот-лари билан тузилган ижтимоий шериклик қўшма ре-жалари илова қилиниши мумкин.

Битта лойиҳа учун давлат гранти миқдори — **30 млн. сўм.**

Ҳужжатлар 2018 йил 17 сентябрдан 22 октябргача қабул қилинади.

Ҳужжатлар “Олий Мажлис ҳузурдаги жамоат фонди” номига:

100163, Тошкент шаҳри, Ислоҳ Каримов кўча-си, 43-уй манзилига “Ўзбекистон почтаси” орқали муҳрланган конвертда (А4 форматда) юборилиши шарт.

Ҳужжатлар намуналари билан Олий Мажлис ҳузу-ридаги жамоат фондининг www.fundngo.uz расмий веб-сайтида танишиш мумкин.

Маълумот учун телефонлар:
(0-371) 239-26-76, 239-26-86.

Бир неча ой ишлаганимдан кейин Эргаш Фуломовнинг ижодга ҳаваси, изланувчанлиги, ҳозиржавоблиги мени ҳайратга сола бошлади. У кўзимга оддий одам эмас, темир иродали авлиёсифат одам бўлиб кўринади. Туманда ўтказиладиган бирорта тadbир унинг эътиборидан четда қолмасди. Газетада эртасига, икки соатдан кейин вилоят радиосида Эргаш Фуломовнинг номи билан материал эълон қилинарди. Тахририят жамоасига олқиш, раҳмат ёғиларди. Заҳматқаш, фидойи, ўз касби ва ишига меҳрли, муҳаббатли, қалами, фикри ўткир шундай инсон билан ёнма-ён ишлаётганим менга битмас-туганмас ҳузур бағишларди.

Файзи ХАЙДАРОВ

ИККИ ЧИНОР

Ишга ўтганимдан кейин Асад иккала-миз аввал Ургут сой бўйида — Маҳкам бобонинг уйида яшадик. Кейин Марям исмли татар онахон ҳовлисига кўчиб бордик. Бизга ажратилган хона ичи анча кўримсиз, шифтга ранги ўчиб кетган қоғоз қоқилган. Четларидан уч-тўрт қамиш осилиб турарди. Поли — тупрок. Бурчакда лой пёч ўрнатилган, унча-мунча ўтин-кўмирга исимаиди. Икки томонга қўйилган иккита темир каровотнинг ўзаги бору, ўртасидаги симлари бутунлай тўкилиб кетган экан.

— Бу каровотларда қандай ухлаймиз? — деди Асад Дилмуродов хафа бўлиб. — Кўрпанимиз ҳам, ўзимиз ҳам тушиб кетмай-мизми?

— Ҳовлига чиқинглар, — деди Марям опа. — Бурчакда тўплаб қўйилган бир бог сим бор. Каровот сеткасини ўзларинг тўкиб олинглар. Менга ўхшаб пишиб, тўкилиб қолганларинг йўқ. Навқирон одам битта углоник устида тонг орттираверса ҳам бўлаверади.

На илож, ишга киришдик. Симларни тўкиб, каровотнинг ўзимизни ҳам, кўрпа-тўшагимизни ҳам кўтариб туриши учун шароит яратдик. Нонушта ҳам, тушлик ҳам, кечки овқатимиз ҳам кўчада — ошхона, чойхоналарда. Ижарага олган хонамизга кечаси келиб, кўрпанинг орасига кириб, бошимизга битта лўла қўйиб, уйқуга кетамиз. Гоҳ-гоҳида кўрпадан бошимизни чиқариб, китоб ўқиймиз, шёър қоралаймиз.

1969 йили тизза бўйи қор ёғди. Совуқ одам чидолмайдиган даражада авжга чиқди. Қечқурун жунжикиб, қалтираб ижара хонамизга кирдик. Печда иккита газета ёқдик. Унинг устидаги чўянни ақалли илтиладик.

— Кўрпага кирамиз, — деди Асад. — Танамизни ҳам, бошимизни ҳам ўраб олайлик. Ухласак совуқни сезмаймиз...

Эрталаб уйқудан туриб хангу мунг бўлиб қолдик. Хонадаги сув музлаб, пақирни бир қарич йиртиб юборибди.

— Худо асрабди, — дедим бир Асадга, бир йиртилган челака қарарканман. — Ўзимиз ҳам музлаб қолсак ним бўларди...

Чойхонада чой ичиб, танамизни иситиб олиш учун йўлга тушдик.

— Иродангиз тахсинга лойиқ экан, — деди Асад совуқотган кўлларини гоҳ ишқалаб, гоҳ чўнтагига тикиб. — Бир ҳафтага чидолмасдан қочиб қоласиз, деб юривдим.

— Мен эса сиздан хавотирданман, — дедим бўш келмай. — Бугун қочарсиз, эртага қочарсиз, деб кўрқаним кўрқкан.

Иккаламиз ҳам кулиб юбордик. Асад: — Қочмайлик, яна икки ой чидасак, ҳаво илиб қолади, — деди совуқдан бурушган лабларини йғиштириб олarkan. — Газетада ишлаш иродаси темирларга буюрилган.

Улуғ Алишер Навоий бобомиз қаламига мансуб машҳур шёърни битта сўзини ўзгартириб ўқиб юбордим:

би сифатида танилган Нарзулла Файзиев, қишлоқ хўжалиги бўлими мудири, ҳозиржавоб Раҳмон Жўраев, туман радиоси муҳаррири, ондан фақат ҳазил учун туғилган Ҳаким Рауфов... Кейинчалик сафимизга Муродулла Янгитбоев, Ёркин Йўлдошев, Фарход Аҳмедов, Моҳира Жумаева, Искандар Боймуродов, Муртазо Мустафоев, Матлаб Ҳасанов, Абдулбоки Мелибоев, Майрам Ҳасанова қўшилдилар.

1970 йилдан газетамизга Аҳтам Тўра-

АЛАМ

Асад Дилмуродов вилоят газетасида ишлаш бошлади, мен эса унинг ўрнига — маданият бўлими мудирига тайинландим.

Орадан икки ойча ўтган тахририят жамоаси учун янги қурилган "дом"дан алоҳида квартира ажратилди. Хоналарни иситиш марказлаштирилган. Бино катта йўлнинг ёнгинасида. Бозорга ҳам, ишхонамизга ҳам жуда яқин. Яшаш тарзимиз

НА ИЛОЖ, ИШГА КИРИШДИК. СИМЛАРНИ ТЎКИБ, КАРОВОТНИНГ ЎЗИМИЗНИ ҲАМ, КЎРПА-ТЎШАГИМИЗНИ ҲАМ КЎТАРИБ ТУРИШИ УЧУН ШАРОИТ ЯРАТДИК. НОНУШТА ҲАМ, ТУШЛИК ҲАМ, КЕЧКИ ОВҚАТИМИЗ ҲАМ КЎЧАДА — ОШХОНА, ЧОЙХОНАЛАРДА. ИЖАРАГА ОЛГАН ХОНАМИЗГА КЕЧАСИ КЕЛИБ, КЎРПАНИНГ ОРАСИГА КИРИБ, БОШИМИЗГА БИТТА ЛЎЛА ҚЎЙИБ, УЙҚУГА КЕТАМИЗ. ГОҲ-ГОҲИДА КЎРПАДАН БОШИМИЗНИ ЧИҚАРИБ, КИТОБ ЎҚИЙМИЗ.

«Қаламимни тортиб ололмайсиз!»

Кекса журналистнинг хотираларидан

“...тизза бўйи қор ёғди. Совуқ одам чидолмайдиган даражада авжга чиқди. Қечқурун жунжикиб, қалтираб ижара хонамизга кирдик.”



Сарвар МАМБЕТОВ фотоси

Эмас осон бу майдон ичра турмоқ, Журналист панжасига панжа урмоқ.

— Офарин, офарин! — деди Асад кўзлари чарақлаб. — Аслида касбнинг осони йўқ...

Сўхбатимиз тобора авж олиб, тахририят ҳовлисига қандай кириб борганимизни билмай қолдик. Жамоа ўртадаги қарагайнинг ёнида чумчуқдай чуғурлашиб ўтиришган экан.

Асад иккаламизнинг бахтимизга тахририятда очик кўнгилли, ҳар доим бир-бирини қўллайдиган инсонлар тўпландик: муҳаррир ўринбосари, камсукум, камтарин, бировларга фақат яхшилик тилайдиган Малла Мамадминов, масъул котиб, шёърнинг бармоқ ва аруз вазида ҳам, насрда ҳам ўткир қалам соҳи-

қулов муҳаррирлик қила бошлади. Совгон маҳалласида туғилиб-ўсган бу инсон ўзбек ва рус тилларини пухта ўзлаштирган экан. Унинг билимдонлиги, камтаринлиги, фидойилиги бирчамизни ҳайратга соларди.

Аҳтам Тўрақулов муҳаррирлик қилган йилларда газетамиз туманимизнинг ҳақиқий ойнасига айланди. Мақолалар мундарижаси кенгайди. Обуначилар сони кўпайди. Тахририятнинг икки қаватли янги биноси тикланди. Очерклар, фельетонлар шов-шувга сабаб бўлди. Бундай публицистик чиқишлар газетанинг ҳам, ижодий жамоанинг ҳам обрўсини кўтарди.

Шу орада Асад Дилмуродов Самарқандга, вилоят газетасига ишга таклиф қилинди.

Бироз яхшиланди. Ўша йиллари энг яхши очерк ва фельетонлар қоралаш насиб этди.

1974 йили устоз Нарзулла Файзиев ҳам вилоят газетасига ишга қабул қилинди. Унинг ўрнига — масъул котиблик вазифасига кўтарилдим.

70-йилларнинг охирида, Аҳтам Тўрақулов муҳаррирлик даврида жамоа аъзолари гоҳ-гоҳида ҳамон эслаб турадиган воқеа содир бўлди.

Бўлим мудири Искандар Боймуродов муаллифлигида газетамизда “У кимнинг эркатойи?” сарлавҳали фельетон босилди. Туман партия кўмитаси бюроси томонидан фельетон асоссиз, деб топилди. Бюро мажлисига муҳаррир, ўринбосар ва камина — учаламиз чақирилдик. Биринчи котиб Искандар Умрзоқов аввал

муҳаррирга паст-баланд сўзлар айтди. Масъулиятсизлик, эътиборсизликда айблади. Кейин ҳеч қутилмаганда менга ташланди.

— Ҳамма қилғилик, масъул котиб томонидан қилинган, — деди биринчи котиб ўшқириб. — Фельетонни нега ушлаб қолмадингиз? Энди жавоб берасиз...

Тўғриси, фельетоннинг тайёрланиши, ёритилишида ўзимни айбдор ҳисобламайман. Қолаверса, унда келтирилган далиллар нотўғри эмас. Фельетон тайёрланганча, муҳаррир томонидан унга қалам теккизмаслик, тезроқ саҳифага киритиш ҳақида оғохлантирилган эдим.

— Бунча ўшқираверманг, — дедим. — Авлиё эмассиз. Ишдан бўшатарсиз, лекин қаламимни тортиб ололмайсиз. Дўқондан яна сотиб олиб ёзавераман...

Биринчи котибнинг фиғони фалакка чиқди. Лаблари тортилиб, оғзи кичрайиб қолди. Пешанасини босиб турган сочлари орасидан тўрт-беш төр томчи “мўралади”.

— Ишдан олинсин! — деди столни қаттиқ мушлаганча ўрнидан салпич тураркан. — Йўқотинг буларни, хонани бўшатиб қўйишин.

Қабулхонага чиқиб турдик. Қарийб ярим соатдан кейин учаламизни яна ичкарига чақирдиш. Ҳар биримизга биттадан хайфсан беришди.

Бир ҳафтадан кейин биринчи май байрами тантанали нишонланди. Партия кўмитаси ҳовлисида байрам дастурхони безатилди. Унга сараланган раҳбарлар чақирилди. Туман партия кўмитасида навбатчилик қилаётганимиз. Дастурхонга мени ҳам таклиф қилишди. Давра тўрида биринчи котиб Искандар Умрзоқов, иккинчи котиб Бобомурод Зиёев, мафкура котиби Тирқаш Эргашев савлат тўкиб ўтиришган экан. Дастурхон атрофидагилар мавқеи, вазифаси, ёшига қараб жой олишган. Камина пастроқда, инструкторлар ёнига чўқдим. Бир маҳал биринчи котиб қўлига биллар қадаҳ кўтарганча ёнимга келди:

— Сиз билан ичмоқчиман, — деди жилмайиб. — Бюро мажлисида иккаламиз ҳам ошириб юбордик. Шунанқаси бўлиб туради. Бу байрам барчамизники. Яхши ўтганидан хурсандман... Қани олайлик!..

Шошиб қолдим. Қадаҳ уриштирдик. Кейин давра кизиди. Ўтирганлар бирин-кетин табрик сўзи айтишди.

Аразлар бутунлай кўтарилди. Саркотиб менга туришган меҳрибон акадек муомалада бўла бошлади. Ҳар хил тантаналарга, катталар ўтирадиган давраларга чақириб турди. Аста-секин Искандар аканинг кўнгли тоза одамлигини англай бошладим.

Шу воқеага ўттиз беш йил тўлади. Бағри кенг одам эди, раҳматли.

(Боши ўтган сонда. Давоми бор.)

► Божхона хабарлари

Абдуғани СОДИҚОВ

Бешинчиси ҳам ўтолмади. Ўтолмайди ҳам!

Амалдаги тартибларга кўра, мамлакатимиз ҳудудига учувчисиз учиш аппаратларини олиб кириш, сотиш ва фойдаланиш тақиқланган. Бу Вазирлар Маҳкамасининг махсус қарорларида кўзда тутилган ҳоллардагина тегишли ташкилотлар томонидан амалга оширилиши мумкин.

Лекин “Қарши” халқаро аэропортида “Москва — Қарши” йўналиши бўйича парвозини яқунлаган бир фуқаро “яшил” йўлак орқали Хитойда ишлаб чиқарилган учувчисиз учиш аппаратини яширинча олиб ўтмоқчи бўлди.

Шундай ҳолат “Урганч” халқаро аэропортида ҳам юз берди. Санкт-Петербургдан келган бошқа йўловчи божхона назоратидан ўтаётганда, учта учувчисиз учиш аппаратини яширинча олиб кираётганини тўхтатиб қолди. Бу “Урганч аэропорти”

чегара божхона пости ходимлари томонидан жорий йилда аниқланган айни қонунбузарлик билан боғлиқ бешинчи ҳолат.

Чалғитолмайсиз

Кўшни давлатдан Ўзбекистон Республикаси акциз маркаси билан маркаланмаган, 70 қути тамаки маҳсулотини “Жартепа” чегара божхона пости орқали яширинча олиб ўтаётганида яна бир фуқаро мўлзам бўлиб қолди. Бир устамон мазкур пост ходимларини бошқача усулда чалғитмоқчи бўлди. У мамлакатимизга кириб келаётган уч ҳамроҳининг кўмаги билан ароқ, тамаки, шоколад каби умумий қиймати 3 миллион сўмдан ортик маҳсулотларни божхона назоратидан осонгина олиб ўтишга уринди ва қўлга тушди.

Аэропортида қўлга тушди

“Тошкент-Аэро” ихтисослаштирилган божхона комплекси қонрабанд ва божхона қонунчилиги бузилишига қарши кура-



шиш бўлими ҳамда “Исом Каримов номидаги Тошкент” халқаро аэропорти” чегара-божхона пости ходимлари томонидан қимматбаҳо металл ва улардан ишланган заргарлик буюмларининг ноқонуний олиб ўтилишига доир навбатда-

ги божхона қоидабузарликлари фош этилди.

“Истанбул — Тошкент” йўналишида учиб келган фуқаро 132 грамм, унинг ҳамроҳи эса 89,6 грамм оғирликдаги тилла занжир ва зирақларни божхона назоратидан яширинча олиб ўтишмоқчи бўлди.

Шу тариқа пойтахт аэропортида ўтказилган тадбир давомида божхоначилар томонидан жами 586,6 грамм оғирликдаги, тахминий қиймати 129 миллион сўмлик, заргарлик буюмларининг мамлакатимизга яширинча олиб ўтилишига чек қўйилди.

Пойтахт аэропортида “Сеул — Тошкент” йўналиши бўйича учиб келган бу фуқаронинг ҳам тегишли қўл юки ва бағажларидаги барча товарлар декларацияда кўрсатилмаган эди. Юкларни белгиланган тартибда ва ҳолилар иш-тирокида кўздан кечирилганда, унинг жисмоний

Оғуфурўшга нисбатан Жиноят кодексининг тегишли моддасига биноан жиноят иши қўзғатилган.

Ҳужжатларда йўқ

Бухоро вилояти “Олот” чегара божхона пости ходимлари хорижий давлатдан кириб келган чет эл фуқароси бошқарувидаги юк машинаси кўздан кечирганида, автомобильдаги юклар билан юк-кузатув ҳужжатларида кўрсатилган маълумотлар ўртасида номуносабиблик борлиги аниқланди.

Маълум бўлдики, автомобильда юк кузатув ҳужжатларида умуман қайд этилмаган умумий қиймати 2,3 миллиард сўмдан ортик 6,3 тонна оғирликдаги 16 минг 876 дона эркаклар жемпери ва свитерлари бор экан. Қарангки, ушбу товарлар ҳужжатларда “эркаклар коржомаси” деб кўрсатилган.

Агар ҳужжатларга ишонилганда, эркаклар коржомаси учун тадбиркор 109 миллион сўм атрофида бож тўлар эди. Божхона кўрғини натижасида аниқланган эркаклар жемпери ва свитерлари учун эса бундай тўловлар 697 миллион сўмдан ортар эди.

Покришқаси ёрилди

Юртимизда ташқи иқтисодий фаолиятни янада либераллаштириш, соғлом рақобатни кучайтириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш борасида изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Аммо, яратилаётган кенг имкониётлар ва шарт-шароитлардан унмлли фойдаланиш ўрнига, мўмай даромад орттириш мақсадида амалдаги қонунларни четлаб ўтишга бехуда уринишлар кўзга ташланаётгани жуда ачинарли. Тошкент шаҳар божхона бошқармасининг “Чуқурсой техник идора” чегара божхона пости ходимлари Фаргона вилоятидаги масъулияти чекланган жамиятлардан бирининг номига Хитойдан келтирилган юклар орттилган контейнерни кў-

риқдан ўтказиш давомида навбатдаги қоидабузарликни фош қилди.

Юк-кузатув ҳужжатларига кўра, контейнерга 34 тонна оғирликдаги велосипед покришқалари ортилган эди. Аммо, божхона кўрғини давомида контейнерда ортикча 25 минг 440 дона шундай минг 440 дона шундай оғирликдаги юклар умуман кўрсатилмаган 4 турдаги салкам 28 минг 680 дона узунлик ўлчаш асбоблари, салкам 20 минг дона электроизоляция ленталари борлиги аниқланди. Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, мазкур товарларнинг тахминий қиймати 730 миллион сўмдан ортади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона кўмитаси Ахборот хизматида маълум қилишларича юқоридаги ҳолатлар юзасидан текширув ва суриштирув ишлари олиб борилмоқда.

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси “Adolat” ижтимоий-сиёсий газетаси бош муҳаррири Исом Ҳамроевга падари бузруквори **ҲАМЗА отанинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

«Hurriyat» guruhi

Лорел Виктория ГРЕЙ — умрини ўзбек рақс санъатини дунёда кенг намойиш ва тарғиб этишга бағишлаган таниқли оlima, толмас хореограф ва мохир раққоса, Жорж Вашингтон университети профессори, "Буюк Ипак Йўли" рақс маркази асосчиси, кўплаб халқаро ва давлатлар мукофотлари соҳибаси.

Ойдин САЪДУЛЛАЕВА
журналист.
(АҚШ, Вашингтон).

— Лорел хоним, Сизни ўзбек миллий рақсининг АҚШдаги асосчиси ва жонкуяр тарғиботчиси деб билишадими. Дунёнинг олис бурчигида тугилиб ўсган, гарбона тарбия олган америкалик қизчада ўзбек рақс санъатига бундай катта ихлос қандай пайдо бўлган?

— Бу ихлос, собит муҳаббат болалигимдан шаклланган. Санъатга қизиқганим учун ота-онам мени турли мусиқа ва рақс тўғаракларига, гуруҳларига беришган. Шундай қилиб, балетни, чолғу асбоблари, жумладан, скрипка чалишни ўргандим.

1973 йили, 13 ёшимда, Ўзбекистонга сайёҳат қилиш имкониятига эга бўлдим. Сафаримиз асосида ўзбеклар ҳаёти, турмуш тарзи, тили, маданияти ва санъати билан танишиш бахтини раво кўргани учун Яратгандан беҳад миннатдорман! Ҳа фахри кунларни асло унутмайман. Ўзбек миллий мусиқаси ва рақслари, раққосаларнинг либослари, тақинчоқлари мени ўзига нақадар қаттиқ мафтун этганини ҳозиргача сўз билан ифода этолмайман. Бу буюк санъат мурғаккина қизчининг ҳаётида ана шундай буюк ўзгариш ясаган. Ҳар бир инсоннинг ҳаётида рўй берадиган биринчи муҳаббат каби ўчмас из қолдирган!

Кейинроқ, 1979 йили Сизёл шахрига Ўзбекистон халқ артисти, таниқли раққоса Қизлархон Дўстмухаммедова раҳбарлигида "Баҳор" ансамбли ташриф буюрди. Қанчалик қувонганимни, ҳаяжонга тушганимни кўрсангиз эди, ўшанда! Меҳмонларга таржимонлик қилиш учун бир қанча талабалар, ёш тадқиқодчилар жалб этилди. Мактабда ҳам, университетда ҳам ўзбек ва рус тилларини яхши ўрганган эмасманми, мутаржимлар сафига мени ҳам кўшишди. Ҳа куни Ўзбекистонлик санъаткорлар Сизёл университетида катта концерт берди. Улкан залга йиғилган мухлисларнинг ўзбек раққосаларини олқийлайвериш, қарсақ чалавериш, кўллари қавариб кетди десам, лофга йўйманг. Мени-ку асти кўверинг!

Ўзимда жуьрат топиб, Қизлархон опаннинг олдига бордим. Қисиниб-қимтиниб, дардимни айтдим: «Ўзбек раққосаларига жуда қизиқман. Урганишни истайман».

Қизлархон опа, илоё умрлари узок бўлсин, менга ўзининг суврати туширилган ташрифномасини берди. Ўзбек рақс санъати билан астойдил шуғулланишим ана шу учрашувдан бошланган. "Баҳор" ансамбли Сизёлда яна бир неча кун ўз санъатини намойиш этиб, Ватани — Ўзбекистонга қайтиб кетди.

Ҳа йили Сизёл ва Тошкент ўзаро "Биродарлашган шаҳарлар" деб эълон қилинди. Бу АҚШ ва Собик Иттифоқ ўзаро муносабатлари тарихидаги мисли кўрилмаган воқеа эди. Бунда халқ дипломатияси — маданият ва санъат аҳлининг ҳам муносиб ҳиссаси бор, десам асло муболага бўлмайди.

Орадан яна бир неча фурсат ўтиб, 1982 йили, "Сизёл-Тошкент — Биродарлашган шаҳарлар" кўмитаси раиси Росанна Роер мажлис чақирди. Йиғилганлардан Ўзбекистондан делегация келиши кутилаётгани-ю, унинг таркибиде қилмларни меҳмонга чақириб борасиде маслаҳат сўради. Шунда мен Устозим — Қизлархон опаннинг ташрифномасини чиқариб бердим: «Мана шу аёлни!»

Шундай қилиб, Қизлархон опандан яна бир қанча қимматли сабоқлар олдим. Маҳоратим хийла ошиб, катта-кичик давраларда ижроларим кўпчиликка манзур бўла бошлади, чамаси, «менга ҳам ўзбекча рақси ўргатинг», де-

ган театрдан, манамен деган санъаткорларни ҳам назарига илмайдиган концерт залларию маданият саройларидан! Залга олма отсангиз ерга тушмайди. Ўзбекча кўйлар янграб, раққосаларимиз хиромини бошлаганида, саҳна билан залнинг, томошабин билан ижрочининг фарқи қолмайди. Ана санъатнинг, ўзбек мил-

раққоса, "Муножот", "Пилла", "Кўнгил таронаси", "Қаро кўзим", "Лазги" каби бугун Ўзбекистон мустақиллигининг шарофати билан дунёга машҳур бўлиб кетган рақслар бор.

Қизлархон Дўстмухаммедова ва Қодир Мўминов (Ўзбекистон), Юсуф Қосимов (Озарбойжон), Лайли Тажадод (Эрон), Момо Ка-

муҳим восита — санъатга, ўзбек миллий рақсларига бўлган катта ихлос, юксак меҳр, чин садоқат! Бирни нуфузли дорилфунду да биологиядан сабоқ берса, бошқаси антрополог. Яна бири иқтисодчи бўлса, иккинчиси йирик бизнес тузилма вакили.

Рақс — уларнинг бутун борлиги.

— Бугунги ёш раққосаларимизнинг чиқишларини қузатиб борасизми?

— Ҳа, албатта. Интернет тармоқлари, видеолавҳалар орқали мунтазам қузатиб бораман. Алоҳида таъкидлашни истардимки, бугун ўзбек рақс санъати "уйғо-ниш даври"ни бошдан кечирмоқда. Собик Иттифоқ йўқликка юз тутган дастлабки йилларда — ёш мустақил давлатларнинг ижтимоий иқтисодий, сиёсий имкониятлари ҳали анча чекланган, кўплаб муаммоларга дуч келиб турган даврда, ўзбек миллий рақс санъати ҳам бир оз эътибордан четда қолгани сезилган эди. Лекин, шуқри, кейинги йилларда Ўзбекистонда миллий санъат ва маданият яна гуркираб ривожлана бошлади. Қуни кеча бутун дунё ахлининг кенг эътибори-ю эътирофига сазовор бўлиб, Шаҳрисабзда зўр тантана билан ўтган илк Халқаро мақом анжумани бунга ёрқин мисол. Хоразмда ўтган "Рақс сехри" халқаро рақс фестивали бунга яна бир мисол. Бошидан охир — ҳаммасини хузурланиб томоша қилдим! Жуда зўр иш бўлди ана шу анжуманларнинг ташкил этилгани!

Кези келганда, яна бир гапни айтишни истардим. Яқиндан бери "ZOTV" телеканалда "Жозибба" рақс танлови эфирга узатиляпти. Мен уни ҳам ижтимоий тармоқлар орқали қузатиб бора-яман. Танловда иштирок этаётган раққосаларнинг санъатига балли! Тана ҳаракатлари, ҳолатлари, пластик ифодаси, эпчиллиги ва услуби жуда-жуда гўзал. Мусиқага уйғун. Лекин менга қусур бўлиб қўринаётган бир жиҳат бор. Бу саҳна дизайни билан боғлиқ. Саҳна ёритиш технологияси қоршиқ. Орқа фонидеги бесўнақай экранлар, ортиқча ёриткичлар, турфа хил рангдаги ўйиб-ёнувчи чироқлар киши кўзини қамаштириб, томошабин диққат-эътиборини ижро этилаётган раққосадан, раққосадан қалғитиб қўяди. Ижрочининг юз ифодасини кўришга ҳалақит беради. Мен ўзбек миллий рақсларини раққосанинг ҳар бир ҳаракатига, мимикасига монанд юзида акс этувчи ҳиссийёти эҳтиросиз тасаввур қила олмайман. "Жозибба" саҳнасининг дизайнига қараб: "Бу нима, рок-концертми?" деган савол тугилади кишида. Бизда "гулга тилла исирга не даркор" деган ибора бор. Маъноси шулки, гул ўзи шундоқ ҳам гўзал, унга тилла зирақ тақинининг асло кераги йўқ. Айтмоқчиманки, ўзбек миллий рақслари шундоқ ҳам жозибали ва бетакрор. Унга "зёбу-зар се-пиш" — ортиқча.

— Хонадонингизда ўзбек миллий буюмлари, либосла-ри кўп экан?

— «Кўп» ҳам гапми! Очигини айтсам, уйим ўзбек халқ санъати амалий музейи бўлган эди. Ўзбекча атласу адрас, пахта гул-ли чойнак-пиёла-ю патир нонгача бор. Ҳа, ишонаверинг! Яхши сақланиши учун ўзим қотириб олганман. Эсингиздами, ўзбеклар узок сафарга, масалан, ҳарбийга отланган фарзандига бир жуфт нонни тишлатиб қолади. Уйидан ризқи узилмасин, деган эзгу ният билан сақлаб қўяди. Мен ҳам Ўзбекистондаги санъаткор ва санъатсевар дўстларимнинг давраларидаги гурунларимиз давом этишини истайман. Бир кун туз тотган жойим — жонажон Ўзбекистонга қирқ кун эмас, УМРИМНИНГ ОХИРИГАСА САЛОМ БЕРИШНИ БУРЧИМ ДЕБ БИЛАМАН...



«Ўзбек миллий рақслари, аввало, ижрочининг ҳаёси билан гўзал»

Жорж Вашингтон университети профессори Лорел Виктория ГРЕЙ хоним билан суҳбат

ОЧИГИНИ АЙТСАМ, УЙИМ ЎЗБЕК ХАЛҚ САНЪАТИ АМАЛИЙ МУЗЕЙИГА ҲАМ ҚИЗИҚИМАН. УЎЗБЕКЧА АТЛАСУ АДРАС, ПАХТА ГУЛЛИ ЧОЙНАК-ПИЁЛА-Ю ПАТИР НОНГАЧА БОР. ҲА, ИШОНАВЕРИНГ! ЯХШИ САҚЛАНИШИ УЧУН ЎЗИМ ҚОТИРИБ ОЛГАНМАН. ЭСИНГИЗДАМИ, ЎЗБЕКЛАР УЗОҚ САФАРГА, МАСАЛАН, ҲАРБИЙГА ОТЛАНГАН ФАРЗАНДИГА БИР ЖУФТ НОННИ ТИШЛАТИБ ҚОЛАДИ. УЙИДАН РИЗҚИ УЗИЛМАСИН, ДЕГАН ЭЗГУ НИЯТ БИЛАН САҚЛАБ ҚўЯДИ. МЕН ҲАМ ЎЗБЕКИСТОНДАГИ САНЪАТКОР ВА САНЪАТСЕВАР ДўСТЛАРИМНИНГ ДАВРАЛАРИДАГИ ГУРУНЛАРИМИЗ ДАВОМ ЭТИШНИ ИСТАЙМАН. БИР КУН ТУЗ ТОТГАН ЖОЙИМ — ЖОНАЖОН ЎЗБЕКИСТОНГА ҚИРҚ КУН ЭМАС, УМРИМНИНГ ОХИРИГАСА САЛОМ БЕРИШНИ БУРЧИМ ДЕБ БИЛАМАН...

ган талабгорлар кўпайиб қолди. Ўзбек миллий санъатининг, рақсларининг сеҳри, таравоти, оҳанрабо-рабсининг олдида ким ҳам бефарқ, безавқ қараб тура олган! Тура олади! Ҳа йили, ҳатто рақс гуруҳини туздик. Унга яхши ният, юксак эҳтиром билан «Тановор» деб ном қўйдик. Таклифлар ёғилиб кетди. Яна қиллардан, қаерлардан денг! Хали машҳур музейдан, ҳали донг тарат-

лий рақсининг жозибаси, сеҳри! Миллатларни, халқларни, умуман, одамларни бириштирувчи, дўсту ахилликка бошловчи кучу қудрати! Мен нега ўзбек рақсига бир умр шайдо бўлиб қолганимни энди тушунганимиз?

1984 йили Сизёлдан Тошкентга делегация борди. Унинг таркибига мени ҳам киритишган эди. Бу галги сафарим чоғида Ўзбекистоннинг Тамарохоними, Галия Исмаилова, Бернара Кориева, Роза Каримова каби рақс даргалари билан учрашдим. Улардан сабоқ олдим. Сўнг Ўзбекистонга тез-тез бориб турадиган бўлдим. Бу орада "Ўзбек рақс санъатига кириш" деб номланган биринчи видео тўпламининг чиқардим.

1992 йили Алишер Навоий номидаги катта опера ва балет театри тақлифига биноан юртингизга бориб, икки йилча қолиб кетдим. Айна сафар менга ўзбек санъатини янада пухтароқ ўрганиш имконини берди. Америкага қайтгач, 1995 йили Вашингтонда "Буюк Ипак Йўли" рақс марказини ташкил этдим.

— **Демак, фаолиятингизни янада кенгайтирибсиз-да?**

— Кенгайтириш ҳам гапми! Марказимиз Буюк Ипак Йўлида жойлашган мамлакатлар халқлари миллий рақс санъатини ўрганади, тадқиқ ва намойиш этади. Нафақат АҚШда, балки Канада, Буюк Британия, Сингапур, Қатар каби кўплаб давлатларда концертлар берганмиз. Марказий Осиё давлатларида, жумладан, мустақил Ўзбекистонда ҳам бўлганмиз ва унутилмас таассуротлар билан қайтганмиз.

Репертуаримиздан эса бир юз ўттиздан ортиқ рақс ўрин олган. Улар орасида "Тановор", "Дилхи-

даос (Миср), Тайяр Акдениз (Туркия) каби Шарқнинг донг таратган санъаткорлари марказимиз меҳмони бўлганлар. Улар билан ҳамкорлик қилганмиз. Марказимиз ва унинг раққосалари ўндан ортиқ давлат ва халқаро мукофотларни қўлга киритган.

Мисол учун, яқинда марказимизда "Ўзбек рақслари турдона-лари", Жорж Вашингтон университети музейи ва Тўқимачилик музейида "Пилла", Ел университетида "Наврўз" томошасини намойиш этдик. Тадбирларда санъаткорларимиз ўзбек тилида ҳам қўшиқлар айтишди. Ўзим ўзбек миллий рақс санъати, урф-одатлари, жумладан, Наврўз байрами ҳақида маърузалар ўқидим. Жорий йилнинг февраль ойида эса ҳар икки йилда ўтказиладиган "Буюк Ипак Йўли рақслари" фестивалини ташкил қилдик. Унда жумладан, "Бухоро тўйлари" ни намойиш этиб, Бухоро тўйлари хос удувлар, келин салом, ширинликлар сочиш, ёр-ёр айтиш каби қадимий ва бетакрор маросимларни ижро этдик.

— **Марказингиздаги раққосаларнинг барчаси сиз каби асл америкаликларми? Умуман, гуруҳингизга раққосаларни қандай мезон асосида танлаб оласиз?**

— Марказимизда турли миллат ва мамлакат вакиллари бор. Мен каби америкада тугилиб, тарбия топганлар ҳам, тақдир тақозоси билан дунёнинг бошқа бурчлари билан АҚШга келиб қолганлар ҳам бор. Таъкидлашим лозимки, уларнинг барчаси ўзининг доимий касб-корига эга. Нуфузли давлат ва нодавлат ташкилотларда ишлашади. Уларни марказимизда бириштириб турган энг

Улар бу ерга пул топиш, молу дунё орттириш учун эмас, балки, энг аввало, маънавий, руҳий оламни, кўнгил мулкини бойитиш учун келганлар. Бир рақсини, унинг назок бир ҳаракати, жилосини, раққосанинг ибодии, нозии қарашини соатлаб, кўнаб, ҳафтаб, ҳатто ойлаб ўрганадилар. Қора терга ботиб, машқ қиладилар. Ҳа, ишонаверинг! Яхши сақланиши учун ўзим қотириб олганман. Эсингиздами, ўзбеклар узок сафарга, масалан, ҳарбийга отланган фарзандига бир жуфт нонни тишлатиб қолади. Уйидан ризқи узилмасин, деган эзгу ният билан сақлаб қўяди. Мен ҳам Ўзбекистондаги санъаткор ва санъатсевар дўстларимнинг давраларидаги гурунларимиз давом этишини истайман. Бир кун туз тотган жойим — жонажон Ўзбекистонга қирқ кун эмас, УМРИМНИНГ ОХИРИГАСА САЛОМ БЕРИШНИ БУРЧИМ ДЕБ БИЛАМАН...

— **Ўзингизга қайси рақсини ижро этиш кўпроқ ёқадими?**

— Мен учун ижро этадиган барча раққосаларимнинг ўзига яраша гапми бор. Айнақча, "Муножот", "Самарқанд ушоқи", "Наманганнинг олмаси" ни ижро этаётганимизда саҳнада парвоз қилётгандек ҳис қиламан ўзимни. Гоҳ соқин қанот қоқайтган оққушга, гоҳ паптирлаб учаётган кабутарга, гоҳ уларнинг энгилдан-енгил парларига айланаман. Саҳнаи ҳам, томошабинларни ҳам, деворлари чироқларни ҳам — бутун борлиқни унутаман. Ўзбеклар нақадар улуг халқ, нақадар буюк ва бой санъат ворислари эканини билсангиз эди!

Мулоқотимиз якунида Лорел хонимга мароқли суҳбат учун самимий миннатдорлик билдирдим. Ўзбек рақс санъатининг АҚШдаги тарғиботчиси бир тиллақошни қўлимга тутқазди: "Келин, бирга суратга тушамиз". Мен тиллақошни бошимга қўндирсам, тўғри-лаб қўйди: "Тиллақош қошга тушиб туриши керак!". Сўнг: "Энди тиллақошга қадалган мана бу рўмолнинг учини қўлингизга олингда, тагидан ним жилмайиб туринг. Ўзбек миллий рақслари, энг аввало, ижрочининг ҳаёси-ю, ибоси билан гўзал».